Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 277 (20. 245) • 1988 йил 1 декабрь • пайшанба Баҳоси 3 тийин.

Олтовлон планета узра

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 30 ноябрь. (ТАСС). Космонавтлар Титов, Манаров, Волков, Крикалев ва Кретьен «Мир» орбитал комплекси ичида биргаликдаги ишларни давом эттиришмоқда. Улар бугун программага кўра навбатдаги медицина-биология тадқиқотлар туркумини ўтказадилар.

Экипаж космонавтларнинг вазнсизликка кўникишларининг ўзига хос жиҳатлари хусусида ахборотлар олиш учун Совет Иттифоқи, Франция ва Чехословакия мутахассислари биргаликда тайёрлаган «Минилаб» экспериментини ўтказмоқда. Экспериментдан мақсад — киши организмидаги алмашув жараёнларининг гормонал тартибини ўрганишдан иборат.

Француз космонавти эхография текширувидан ўтмоқда. Бугун бу текширув ернинг тортиш кучига мослаб тайёрланган «Чибис» пневмовакуум костюмидан фойдаланган ҳолда бажарилади.

Вазнсизлик шароитида мускуллар ишини бошқаришда инсон сезги органларининг ролини бундан буён ҳам ўрганиш мақсадида «Физали» эксперименти ўтказилмоқда. Экспериментда кўпдан-кўп физиологик сигналларни, жумладан, мускулларнинг биоэлектрик фаоллиги, кўз ҳаракати, тана қисмларининг жойини ўзгартиришини бир вақтнинг ўзида рўйхатга олишни таъминлайдиган аппаратлардан фойдаланилмоқда.

Комплекс ичида космик учиш факторларининг олий ўсимликлар ва турли биологик объектлар ривожига таъсирини ўрганиш юзасидан экспериментлар бошланди.

Медицина назорати натижаларига қараганда, барча космонавтлар — соғ-саломат, ўзларини яхши ҳис этишмоқда.

Орбитадаги ишлар белгиланган график асосида бормоқда.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАН

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессиясида 29 ноябрь куни М. С. Горбачев докладидан сўнг депутатлар кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга киришдилар.

Музокараларда Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **В. С. Шевченко** биринчи бўлиб сўзга чиқди. У СССР қонунлари лойиҳаларини СССР Олий Совети палаталарининг комиссиялари киритган тузатишлар ва ўзгартишлар билан қабул қилиш тўғрисида таклиф киритди.

Мамлакатимиз ҳаётида бу сессия ғоят муҳим ўрин тутади, деб таъкидлади депутат. Қонунлар лойиҳаларини қабул қилиниши совет жамиятини демократиялаш, Советларнинг халқ ҳокимиятини таъминлаш ва социалистик ҳуқуқий давлатни вужудга келтириш йўлида катта қадам бўлади. Миллионлаб сайловчилар мамлакат олий ҳокимият органидаги ўз вакилларидан худди ана шундай қарорларни кутмоқдалар.

ССР Иттифоқи қонунлари лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси давомида халқнинг мутлақ кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланди. Нотиқ бу фикрни иттифоқдош республикага доир маълумотлар билан тасдиқлади. Умумхалқ муҳокамаси, деди у, жамият барча табақаларининг, меҳнат коллективларининг фаол иштирокида ўтди, миллионлаб совет кишиларининг ижтимоий онги ўсганлигини акс эттирди.

Қонуннинг барқарорлиги унга ҳурмат ва оғишмай риоя қилишни тарбиялайди. Муҳокама қилинаётган лойиҳаларни қабул қилиш, деб уқтирди депутат, — совет жамиятини демократиялаш йўлидаги дастлабки қадам холос. Аммо бу қадамни биз ҳозир, дарҳол қўйишимиз керак. Украина халқининг асосий кўпчилиги шундай деб ҳисобламоқда.

Нотиқ маҳдудликка, жамиятимизнинг интернационализмига тор миллий манфаатларни қарама-қарши қўйишга уриниб, бу муҳим қонун лойиҳаларининг қабул қилинишига қарши чиқаётганларни қоралади. Депутатларнинг, мамлакатимиз барча Советларининг вазифаси — меҳнаткашларнинг улкан сиёсий ғайратини бунёдкорлик изига солиб юбориш, қайта қуришни жадаллаштиришга қаратишдан иборат, деб таъкидлади депутат.

Ҳамма жиҳатлар эътиборга олиниб объектив ёндашиладиган бўлса таклиф этилаётган қонун лойиҳалари ижодий йўналиши билан фарқ қилишини кўрмаслик мумкин эмас, деб таъкидлади Белоруссия Компартияси Гомель область комитетининг биринчи секретари депутат **А. С. Камай**. У областдаги меҳнаткашларнинг аксарият кўпчилиги бу ҳужжатларни ижобий позицияда туриб баҳолаётганини маълум қилди. Масалан, энг катта корхона — «Гомсельмаш» бирлашмасида ишлаётган қарийб 35 минг кишидан учдан бир қисми муҳокамада қатнашди. Бу ерда қирқ тўрт миллат вакиллари меҳнат қилади. Бу ерда меҳнат қилаётган ҳар уч кишидан бири қатнашган муҳокама фикрлар ниҳоятда турли эканини кўрсатди. Коллективдан жами 250 дан ортиқ таклиф ва мулоҳаза тушди. Бу эса ўз-ўзидан ижтимоий жараёнлар актив демократиялашаётганининг муҳим кўрсаткичидир.

СССР Конституциясига таклиф этилаётган ўзгартишлар ва қўшимчалар бевосита республикаларо, иттифоқ ва миллатлараро муносабатлар соҳасига дахлдордир. Реаллик шундан иборатки, бу ерда кўпгина муаммоларнинг мураккаблиги камаймаяпти, балки баъзи жойларда, афсуски, яна ҳам ўткирлашмоқда. Бу муаммолар сиёсий маданият шакллантирилишидаги илгариги ва ҳозирги камчиликлар натижасида вужудга келган.

Муҳокама қилинаётган ҳужжатларнинг айрим қоидаларига салбий муносабатда бўлиш фактлари кузатилмоқда. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, бундай муносабатлар ўз манфаатларини ҳозирги камчиликлар натижасида вужудга келган.

Муҳокама қилинаётган ҳужжатларнинг айрим қоидаларига салбий муносабатда бўлиш фактлари кузатилмоқда. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, бундай муносабатлар ўз манфаатларини кўзлаб, миллий маҳдудлик, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан яккаланиб қолиш йўлига ўтиб олаётган айрим шахсларнинг фитначилик ҳаракатлари билан боғлиқдир. Бундай хавфни менсимаслик мумкин эмас. Ана шундай йўлга ўтиб олаётган, энг муқаддас нарсага — бизнинг тарихий иттифоқимизга ва барча халқлар дўстлигига раҳна солмоқчи бўлаётган кишиларга қарши фаоллик ва масъулият билан курашиш керак.

Ленинградда қонун лойиҳалари муҳокамаси ғоят актив ўтди, деди С. Оржоникидзе номидаги Балтика заводининг токари депутат **И. И. Жирнов**. 68 мингдан ортиқ таклиф киритилди. Нотиқнинг фикрича, қонунларнинг ўзгартирилиши жамиятимиз янгиланишининг мантиқий давомидир. У сессияда энг муҳим масалалар юзасидан ўзгартишлар ва қўшимчалар билан ҳар иккала қонунни қабул қилишни таклиф этди.

Ленинградликлар лойиҳаларининг жамоат ташкилотларидан депутатлар сайлаш тўғрисида гап бораётган қоидаларини айниқса қизғин муҳокама қилдилар. Ҳокимият олий органларини тузиш юзасидан ҳам кўпгина фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айрим кишилар, деб таъкидлади, жумладан, депутат, СССР Олий Советини СССР халқ депутатлари съездида сайлаш мақсадга мувофиқ эканлиги етарлича асосланмаган, деб ҳисобламоқдалар. Ана шундай доимий ишлайдиган янгиланиб турадиган депутатлар органининг бўлиши эса қонун лойиҳаларини дастлабки тарзда янада чуқурроқ ва пухта ишлаб чиқиш имконини беради. СССР Олий Совети ана шундай орган бўлади.

Сўнгра депутат ўз нутқида территорияларни ривожлантиришда Советларнинг ролини ошириш проблемаларига тўхталди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасининг бўлажак умумхалқ муҳокамасига тўхталиб, нотиқ бунинг учун камида икки-уч ой ажратиш зарур эканлигини таъкидлади.

Ленинград меҳнаткашларининг вакили Эстонияда, мамлакатнинг бошқа айрим регионларида рўй бераётган воқеалар ҳақидаги ўз фикрини баён этди. Бу, деди у, маҳаллий партия ва давлат органлари йўл қўйган хатоларнинг оқибатидир. Нотиқ ақл-идрок, холис ният ва вазминлик вужудга келган зиддиятларни амалий ҳал этишга кўмаклашади, деб, ишонч билдирди. Ленинград ишчилар синфи қайта қуриш ва демократия учун, социализм, меҳнаткашлар манфаатлари йўлидаги демократия учун овоз бермоқда, деб таъкидлади депутат.

Шундан сўнг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Р. Н. Нишонова** сўз берилади. (Бу нутқ газетамизнинг 3-бетида босилмоқда).

Москвадаги ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конструктори депутат **В. П. Ефремов** москваликлар номидан Қонун лойиҳаларини қўллаб-қувватлаб, жуда қизғин мунозараларга сабаб бўлган ва совет жамияти сиёсий ислоҳотининг бундан кейинги босқичларида ҳисобга олиниши лозим бўлган масалаларга эътиборни қаратди. Сайловчиларнинг фикрича, умумиттифоқ жамоат ташкилотларининг бевосита депутатларни сайлаш ҳуқуқи ҳақидаги таклифи жиддий тарзда кўриб чиқилиши керак. Мазкур ташкилотларнинг съездлари, пленумларида депутатлар сайлаш Советларни тузишнинг умумдемократик принципларига зиддир, чунки, депутатларнинг муайян қисмини сайловчилар назоратидан ҳоли қилиб қўяди. Бу ўринда тенг сайлов ҳуқуқи бузилади, депутатларни танлашнинг ёпиқ системаси вужудга келади. Жамоат ташкилотларининг умумиттифоқ органлари депутатларни сайламасдан, балки фақат депутатликка номзодлар кўрсатиши лозимлиги тўғрисида таклифлар айтилди.

Москваликлар депутатликка номзодларнинг сайловолди тадбирларида қатнашиши учун ишлаб чиқаришдаги юмушларидан ва хизмат вазифаларидан озод қилиб қўйилишини сайловни демократиялаш йўлидаги жиддий қадам, деб ҳисобламоқдалар.

Конституцион назорат комитети фаолияти билан боғлиқ бўлган таклифлар катта қизиқиш уйғотди. Москва меҳнаткашлари мазкур комитет тузилишини маъқуллаб, СССР Олий суди, СССР прокуратураси ва Конституцион назорат комитетининг вазифалари ва компетенцияларини аниқ-пухта белгилаб қўйиш тўғрисида бир қанча конкрет таклифларни илгари сурдилар. Уларнинг фикрича, комитет реал ваколатларга ва ҳатто СССР Конституциясига зид бўлган актларни бекор қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиши лозим.

Тақдим этилаётган қонун лойиҳаларининг моддалари барча иттифоқдош республикаларнинг суверен манфаатларини ҳисобга олмоқда, деб таъкидлади Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **С. Б. Татлиев**. Озарбайжонда мазкур ҳужжатларни муҳокама қилишда 3,5 мингдан кўпроқ таклиф ва мулоҳаза киритилди. Республика меҳнаткашлари сиёсий ислоҳот позицияларини умуман қўллаб-қувватладилар. Эстонияда қабул қилинган қарорлар ҳам эътибордан четда қолмади. Кўпчилик ана шу қарорларни маъқулламади. Ҳар бир республика, деб эслатди нотиқ, бутун жамият олдида мажбуриятлар олган. Ҳатто, ички муаммоларга ҳам биз умумдавлат манфаатларини кўзлаб баҳо беришимиз керак.

Қайта қуриш ўтмишнинг нохуш мероси бўлган муаммоларни, жумладан, миллатлараро муносабатлар масаласидаги кўпгина муаммоларни ойдинлаштирди, деб давом этди нотиқ. Қайта қуришга қарши кучлар фойдаланишга уринаётган жараёнларга алоҳида диққат-эътибор бериш лозим. Маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқларини кенгайтириш мумкин ва лозим. Лекин ҳуқуқларни ҳар қандай тарзда кенгайтириш муайян доирада ва чегарада бўлишни кўзда тутади. Депутат қонун лойиҳасини депутатлар юқори Советларининг қарорлари қуйи Советлар учун мажбурийлиги тўғрисидаги талаблар бажарилишини гарантияловчи кўрсатмалар билан тўлдиришни таклиф этди.

Шундан кейин Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг биринчи қўшма мажлиси тугади.

Иттифоқ Советининг раиси **Ю. Н. Христораднов** раислигида бўлган иккинчи қўшма мажлисда биринчи бўлиб Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, депутат **Г. В. Колбин** сўзлади. У бугунги сессияга тақдим этилган қонун лойиҳаларининг республикада қандай вазиятда муҳокама қилинганлиги ҳақида гапирар экан, бу гал одатдаги хўжакўрсинга қилинадиган якдиллик бўлмаганини таъкидлади. Илгари ана шундай якдиллик ортида кенг оммонинг раҳбар органлар фаолиятига бефарқлиги яшириб келинарди.

Одамлар лойиҳа сатрларини қунт билан ўқир эканлар, ҳужжатларнинг ҳар бир қоидасини пухта ўргандилар, бу қоидаларни мамлакат ва иттифоқдош республикаларнинг амалдаги конституциялари билан таққослаб кўрдилар. Баҳслар ва мунозараларда якдил фикр яқинда туғилди, худди ана шу фикр республика Олий Совети Президиумининг мажлисига тақдим этилди. Депутатлар сиёсий ислоҳотни амалга оширмай ва тақдим этилган қонун лойиҳаларини қабул қилмай туриб, экономикани, социал соҳани қайта қуриш, шунингдек аҳолининг гражданлик фаоллигини ошириш мумкин эмаслиги ҳақида аниқ-пухта хулосага келдилар.

Қайта қуриш тақдири учун муҳим бўлган қарорлар қабул қилинаётган шу кунларда уларни амалга ошириш хусусида яхшилаб ўйлаб кўришимиз кераклигига ишончим комил, деди сўнгра нотиқ. Фурсатимиз оз: қайта қуриш бир вақтнинг ўзида жадаллаштиришни ҳам, ҳаётимиздан ҳар қандай айниш-ларни, шунингдек, пухта ўйламай қилинадиган ҳаракатларни ҳам истисно этишни назарда тутади.

Совет хотин-қизлари комитетининг раиси депутат **З. П. Пухова** ўз нутқида совет хотин-қизлари янги қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида кенг кўламда, манфаатдорлик билан иштирок этганликларини таъкидлади. Нотиқ жамоат ташкилотларидан депутатларнинг сайланишига доир принцип жиҳатидан янги бўлган қоидага тўхталди. Бу, деб таъкидлади нотиқ, уларнинг фаолиятини активлаштириш, жамият ҳаётидаги ролини тубдан ошириш, мазкур ташкилотларнинг қонунчилик борасидаги ҳуқуқидан амалда фойдаланиш имконини беради.

Хотин-қизлар кенгашлари, совет хотин-қизлари комитети мамлакат аҳолиси ярмидан кўпроғининг манфаатларини ифодалайди. Улар хотин-қизлар аҳволини яхшилаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза этишни янада кучайтириш, оилани мустаҳкамлаш бобида программаларни илгари суришга тайёрдирлар. Депутат аёллар фақат хотин-қизлар ташкилотларидан сайланиб, бу эса умуман сайланганлар орасида улар салмоғининг кескин камайиб кетишига олиб келмасмикин? Бошқа жамоатчилик ташкилотлари ҳам ўз депутатларини кўрсатишаётганида ва сайлов кампаниясини ўтказишаётганида хотин-қизларнинг касаба союзларида, комсомолда, ветеранларнинг кенгашларида, ижодий союзларда ўйнаётган ролини унутиб қўймасликлари керак, деб таъкидлади нотиқ. Бу ғаз территориал округлардаги сайловга ҳам баб-баравар тааллуқлидир, бу ерларда ҳам мутаносиб ваколатлик зарурлиги ҳисобга олиниши керак.

Совет хотин-қизлари комитети Олий Совет структураси белгиланаётганида комиссия тузилишини ҳисобга олишни илтимос қилади, мазкур комиссия хотин-қизларнинг мамлакат сиёсий, иқтисодий ва социал турмушида иштирок этиши билан боғлиқ масалаларнинг бутун комплексини ваколатлироқ қўйиш ва ҳал этишга имкон беради.

Нотиқ пировардида СССР Конституциясининг бошқа бўлимлари, жумладан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва оила манфаатларини муҳофаза этиш масалаларига оид бўлимларни пухталаштиришни кечиктирмасликка даъват этди.

Ульянов областидаги «Борец за мир» колхозининг раиси депутат **А. Н. Фадеев** нутқида бир қанча конкрет таклифлар ифодаланган. Нотиқ лойиҳалар улар тасдиқланганидан сўнг давлатимизга чинакам умумхалқ давлатига айланиш, халқ депутатлари Советларига эса ижрочи органларига нисбатан устун ўринни эгаллаш имконини беражагига ишонч изҳор этди.

Бироқ, деб таъкидлади депутат, қонунлар лойиҳаларида аниқланиши, ҳатто тўб. дан ўзгартирилиши талаб қилинадиган қоидалар бор. Хусусан, унинг фикрича, қонун лойиҳаларининг ҳозирги таҳририда РСФСР жамоат ташкилотларидан депутатлар қай тарика сайланиши тўғрисида аниқлик йўқ. Чунки у марказий республика партия, касаба союз ва комсомол органларига эга эмас. Афтидан, деб ҳисоблайди депутат, автоном республикаларнинг тегишли область ташкилотлари ва органларига ана шундай ҳуқуқ берилиши керак.

Халқ судьяларини сайлаш тўғрисидаги Низомларга айрим тузатишлар киритишга қаратилган таклифлар айтилди. Бу таклифларнинг мазмуни судьяларни ташқаридан таъсир ёки тазйиқдан имкони борича муҳофаза қилиш, судни энг кўп мустақиллик билан таъминлашдан иборатдир.

Нотиқ депутатликка номзодларни кўрсатиш жараёнини таҳлил этиб, қонун лойиҳаси бундай ҳуқуқни беш юз киши иштирок этаётган йиғилишга беради, деб таъкидлади. Шаҳар учун бу тўғри бўлиши мумкин, деди нотиқ. Қишлоқ учун эса бу нормага риоя қилиш мушкул бўлади. Масалан, кўпгина қишлоқларда шунча сайловчининг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам нотиқ қишлоқ учун депутатликка номзод кўрсатишга икки юз киши-лик йиғилишнинг ҳақи бор, деб ҳисоблашни таклиф этди.

Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **В. С. Астраускас** республика меҳнатчилари бир овоздан қайта қуришни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришни ёқлаб чиқяптилар, деди. Улар бу жараённи халқ ҳокимияти, республика суверенитети, ҳуқуқий давлат тузиш, совет федерацияси ленинча принципларига қайтиш ғояларини уйғунлаштириш билан боғламоқдалар.

М. С. Горбачевнинг бугунги сессиядаги доклади, кейинги босқичларга белгиланган чора-тадбирлар сиёсий система ислоҳоти ҳар бир миллат ва элатнинг янада эркин равнақи учун шароит яратиб беришига, уларнинг дўстлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлигини мустаҳкамлашига, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини мустаҳкамлашга ишонч бахш этади, деб таъкидлади депутат. Нотиқ иттифоқдош республика статусини ўрганиш ва тайёрлаш юзасидан ишчи группаси тузиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

Нотиқ сиёсий система ислоҳоти комплекс хусусиятга эга бўлиб, экономикада қайта қуриш билан бирга амалга оширилиши кераклигини уқтирди. Унинг фикрича, бошқарувнинг маъмурий системаси республикада ишлаб чиқарувчи кучларнинг нотекис ривожланишига олиб келди. Марказдагилар шусиз ҳам йирик бўлган ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришни амалда тиқиштирадиган ўзбошимча қарорлар қабул қилмоқдалар. Нотиқнинг фикрича, ана шу ва бошқа муаммоларни ҳал этиш учун жойларга социал-иқтисодий тараққиётни бошқариш юзасидан реал ҳокимият бериш зарур.

Депутат СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси хусусида айрим фикр-мулоҳазалар ва таклифларни айтди, Литвада содир бўлаётган мураккаб жараёнлар ҳақида гапириб берди.

Комсомол Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига сиёсий қоидаларига мувофиқ эканлигини эътироф этди, деб таъкидлади БЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **В. И. Мироненко**. Қонун лойиҳаларига комсомоллар, ёшлар ўртага қўйган таклифларнинг кўпчилиги киритилган.

Бу иш, деб таъкидлади нотиқ, Қонун лойиҳаларини яхшилаш нуқтаи назаридангина эмас, катта сиёсатга миллионлаб кишиларни реал жалб этиш нуқтаи назаридан ҳам фойдали бўлди. Гарчи кераксиз шов-шув ва хатоларга йўл қўйилган бўлсада, бу иш фойдали чиқди, деб эътироф этди депутат. Бунга ажабланишнинг кераги йўқ, чўчиш ҳам керак эмас: мазкур мунозарада ёшлар баъзан йўл қўйган максимализм, муросасизлик, чўрткесарлик бизнингча жуда яхши хислатдир. Бироқ, деди ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари, ёшларнинг бир қисми сиёсий лоф-қофларга берилиб кетди. Бундай лоф-қофлар оз эмас десам ишонаверинг. Унинг фикрича, айрим жойларда кенг реклама қилинаётган тўпланиб қолган муаммоларни бутун Иттифоқ талаб эҳтиёжлари билан ҳисоблашмасдан, фақат маҳаллий манфаатлар йўлида ҳал этишга уринишлар бемаъниликдир.

Депутат бир қанча комсомол ташкилотлари Қонун лойиҳаларини умуман ёки қисман рад этган бўлишларига қарамай, уларнинг қабул этилиши учун овоз беражагини айтди. Ҳатто унча такомиллашмаган Қонун ҳам, деди у, мутлақо такомиллашган ва тўла қонунсизликдан яхшироқдир;

Нотиқнинг фикрича, таклиф этилаётган Қонун лойиҳалари, хусусан СССР Конституциясининг янги таҳririдаги 121-моддаси ёшларга нисбатан кучли сиёсатни шакллантириш учун реал имкониятлар очиб беради. У ВЛКСМ Марказий Комитети номидан СССР Олий Советининг ёшлар ишлари билан шуғулланувчи комитетини тузишни таклиф этиб, комсомолларнинг фаол сайловолди кампаниясини ўтказиш принципларини айтди.

Ҳозир муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари совет сиёсий системасини ислоҳ қилишнинг кўп масалаларига тааллуқлидир, деб таъкидлади «КамГЭСэнергострой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригада бошлиғи, Татаристон АССРнинг Набережние Челни шаҳридан келган депутат **В. С. Мавликов**. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорлари асосида, Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси якунларини эътиборга олиб, СССР Давлат ҳокимияти ваколатли органларининг таркиб топиши қайта қуришни янада чуқурлаштириш, демократияни ривожлантириш, социалистик ҳуқуқий давлатни бунёд этишга қудратли омил бахш этади.

Нотиқ сессияда муҳокама қилинаётган ҳужжатлар юзасидан бир қанча конкрет таклифлар айтди. У халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун лойиҳасида баён қилинган қоидани — сайловда овоз беришда қатнашган сайловчилардан ярмидан кўпроғининг овозини олган номзод сайланган ҳисобланади, деган қоидани маъқуллаб, қуйидаги кўшимчани таклиф этди: башарти қайта сайловда номзодлардан биронтаси ҳам сайланмаса, у ҳолда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг нисбатан кўпчилик овозини олган номзод қайта сайловда сайланган деб ҳисобланади.

Нотиқнинг фикрича, жамоатчилик ташкилотларидан депутатлар кўрсатилиши уларнинг ваколати ва фаоллигини анча оширади. Аммо, иккинчи жиҳатдан ҳокимият олий органларини жамоатчилик ташкилоти аппаратида маош олиб ишлаётган ходимлар эвазига тузиш имконияти ҳам мавжуд.

Депутат Набережние Челни ҳаётидан конкрет мисоллар келтириб, идораларнинг манфаатлари территориялар манфаатларига кўп ҳолларда зид келаётганини таъкидлади. Масалан, РСФСР Соғлиқни сақлаш министрлигининг «Росмедтехника» бошқармаси ходимлари шаҳарда соғлиқни сақлаш муассасалари ишини қайта ташкил этиш юзасидан бошланган ҳаракатга тўсқинлик қилмоқдалар. Депутат назоратини, депутатлар ҳуқуқларини Қонун йўли билан кучайтириш зарурлигига нотиқнинг ишончи комил.

Бугун муҳокама этилаётган Қонун лойиҳаларининг кўпгина қоидалари совет сайлов системасида ўзини-ўзи бошқариш асосларини қарор топтиришга хизмат қилади, деди Давлат ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **А. В. Горбунов**. Бу аввало ҳар қандай ҳолларда халқ депутатларини бир неча номзодлар ичидан сайлаш, депутат статусининг бошқа органлардаги айрим раҳбарлик лавозимларига тўғри келмаслиги, халқ депутатлари Совети сайлаган ёки тайинлаган мансабдор шахсларнинг ўз лавозимларини сурункасига икки муддатдан кўпроқ эгаллаб туришларини тақиқлаш ва шу, кабилардир.

Айни вақтда мазкур Қонун лойиҳаларининг айрим қоидалари, нотиқнинг фикрича халқнинг социалистик ўзини-ўзи бошқарувини кенг авж олдириш вазифасига мувофиқ эмас. СССР Олий Советининг фаолиятида жамоат ташкилотларимизнинг ғоят бой тажрибасидан фойдаланиш, улар аъзоларининг ўзига хос манфаатларини ифода этиш керак, албатта. Аммо бунга қандай қилиб яхшироқ тарзда эришиш мумкин? Нотиқнинг фикрича, бунда СССРнинг ҳозир амалда бўлган конституциясида мустаҳкамланган учта демократик сайлов принципига амал қилиш лозим. Жамоат ташкилотларидан депутатлар сайлаш умумий, тенг ва тўғридан-тўғри бўлиши керак.

Нотиқ овоз бериш ҳуқуқини билдирувчи гувоҳномалардан воз кечишни таклиф этди. СССР Олий Совети Иттифоқ Советида иттифоқдош республикаларнинг вакиллиги республикалар аҳолисининг сонига пропорционал бўлиши лозим.

Нотиқ маҳаллий Советларнинг тўла ҳокимиятини таъминлаш муаммоларига тўхталиб, бу Советларга марказий идораларнинг мақсадга номувофиқлиги равшан кўриниб турган, баъзида эса зиён келтирадиган қарорларга қарши курашда таъсирчан қурол бериш кераклигини таъкидлади. Тегишли территориядаги ҳар қандай хўжалик фаолияти ва социал-маданий фаолият, албатта, халқ депутатлари Советининг розилиги билан амалга оширилиши керак.

Сиёсий системани қайта қуришни назарий идрок этишдан уни амалда рўёбга чиқаришга ўтиш ҳақиқатан ҳам масъулиятлидир, деди пировардида нотиқ. Бу жараён республикада мураккаб сиёсий вазиятда ўтмоқда. Республикамиздаги иқтисодий ва социал муаммолар кўпинча миллатлараро муаммоларга айланиб кетмоқда. Республика манфаатлари ССР Иттифоқи манфаатлари билан бирга қўшилган бўлиши кераклигини биз тушунамиз. Иттифоқни мустаҳкамлашга наф келтирмайдиган нарсаларнинг ҳаммаси айрим республикаларга ҳам наф келтирмайди.

Республикада Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш давомида, деди Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **Ғ. П. Паллаев**, ҳар хил фикрлар айтилди, турли далиллар келтирилди. Аммо булар асосий масалада бир хил эди: меҳнаткашлар партиясининг сиёсий ислоҳот йўлини қатъиян қўллаб-қувватладилар. Мамлакат Олий Совети Президиумига йўлланган саккиз мингдан зиёд фикр-мулоҳазаларда қайд этиб ўтилганидек, янги ҳужжатларни қабул қилиш—қайта қуришнинг конкрет қадамлари бўлиб, давлат ишларига реал таъсир ўтказиш имконини беради.

Янги орган — Конституцион назорат комитетига ҳар бир республикадан вакиллар кириши муҳимдир, деб уқтирди нотиқ. Бу ҳол уларнинг ҳуқуқларига риоя этилишининг жиддий кафолати бўлади. Шу билан бирга автономияларнинг СССР Олий Советидаги вакиллиги нормаларига тузатишлар киритиш керак.

Нотиқ айрим республикалардаги вазият хусусида жиддий ташвиш билдирди. Миллатлараро муносабатлар соҳасида ҳал этилмаган ва салбий ҳолатлар кўп йиғилиб қолди. Аммо вужудга келган вазиятдан қутилишни сепаратизм йўлидан эмас, балки ССР Иттифоқини мустаҳкамлаш йўлларидан излаш, бунда иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш керак. Акс ҳолда, биз совет халқларининг бирлигини заифлаштириб, уларни миллий квартираларга ажратиб қўямиз, халқ хўжалиги комплекси яхлитлигига путур етказамиз, холос. Таркиб топган республикаларароихтисослашувни буза оламизми? Бу саволга депутат «йўқ» деб қатъий жавоб қайтарди ва ҳаммани мунозаралар ҳамда баҳсларда асосий эътиборни конкрет социал-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга қаратишга чақирди.

СССР юстиция министри депутат **Б. В. Кравцов** қуйидагиларни айтди: биз бугун ўтмиш йиллардаги салбий ҳолатларни бартараф этиш ва мамлакатни узоқ муддатли даврда муттасил жўшқин ривожлантириш учун принципиал муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қиляпмиз. СССР Конституциясига шундай ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида гап боряптики, булар давлат ҳокимияти органларини тузиш ва уларнинг ваколатлари тўғрисидаги энг асосий қоидаларга тааллуқлидир.

Янги давлат структураларига юридик жиҳатдан пойдевор қўйиш қайта қуриш муқаррарлигининг яна бир ҳуқуқий кафолати бўлади. Ҳужжатларни муҳокама қилиш жараёнида, деб эслатиб ўтди нотиқ, улар қабул қилингандан кейин иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқлари камситилади, камайтирилади, деган хавотирликлар билдирилган эди. Лойиҳаларнинг кенг кўламда муҳокама этилиши бундай хавотирликлар ҳеч қандай жиддий асосларга эга эмаслигини кўрсатди. Масалан, Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг 108- ва 113-моддаларини кўриб чиқиб, бунга бемалол ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ана шу моддаларда СССР халқ депутатлари съезди билан Олий Советнинг ваколатлари тўғрисида гапирилади. Аксинча, қонун лойиҳасининг ана шу моддалари барча тузатиш ва қўшимчалар кўриб чиқилгандан кейинги узилкесил ҳолида иттифоқдош республикаларга нисбатан эътибор билан ва ҳатто, юстиция министри таъкидлаганидек, ардоқ билан муносабатда бўлинаётганидан далолат бермоқда.

Нотиқ муҳокама этилаётган лойиҳанинг бир қанча муҳим моддаларини юридик жиҳатдан қатъий таҳлил этишни замондошимиз, эстон ёзувчиси Тэвет Калласнинг қуйидаги сўзларини келтириб, ёрқин бадиий образ билан якунлади:

«Ноёб давлатимизнинг ҳар бир халқи қанчалик бақувват, унинг миллий ўзлигини англаши қанчалик юқорироқ бўлса, давлатимиз халқларининг иттифоқи ҳам шунчалик бақувват, уларнинг бир бутун яхлит давлатга қўшадиган ҳиссаси салмоқлироқ бўлади».

КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари депутат **В. К. Месяц** қонун лойиҳаларини кўп миллатли ватаннинг тенг ҳуқуқли республикалари қардошлик иттифоқини мустаҳкамлаш, социалистик ҳуқуқий давлат принципларини қарор топтириш учун яхши негиз деб атади. Ҳужжатларнинг Москва областидаги муҳокамаси шуни кўрсатдики, деди у, мутлақ кўпчилик бу ҳужжатларни XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқларига тўла-тўкис мувофиқ деб ҳисобламоқда.

Москва области Люберди шаҳрида сайловни янгича ўтказиш дастлабки тажрибаси сессияда айтилган таклифга қўшилиш имконини беради, сайлов бюллетенларига бир қанча номзод киритилган тақдирда нисбатан кўпчилик овозни олган депутатни сайланган деб ҳисоблаш керак, деб уқтирди нотиқ.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Шу билан бирга Қонун лойиҳаларининг ошкоралик ва рўй-ростлиқ вазиятида муҳокама этилганлиги силлиққина ўтгани йўқ, деб ҳисоблайди депутат. Далилларга асосланган эътирозлар ҳам, қизиқарли таклифлар ҳам айтилди. Жумладан, СССР халқ депутатлари съезди билан Олий Советнинг ваколатларини аниқроқ белгилаб қўйиш, умумхалқ референдумларинигина эмас, шу билан бирга маҳаллий референдумларни ҳам ўтказиш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Депутат Болтиқбўйи республикаларидаги, хусусан Эстониядаги вазиятга тўхталиб, ультиматум тарзидаги қатъий талабларни Москва области меҳнат аҳли қатъиян қораламоқда, деди. Бундай хатти-ҳаракатлар кескинлик манбаларини вужудга келтиради, кўп миллатли ягона давлатни ривожлантиришга зиён етказади.

Нотиқ регионларни хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш муаммосига тўхталиб, бу жараён умумхалқ манфаатлари билан маҳаллий манфаатларни албатта уйғунлаштириши кераклигини таъкидлади. Нутқда районлар ва областларни хўжалик юритиш янги принципларига ўтказиш масалалари тилга олинди. Бунда маҳаллий Советларнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди.

СССР Олий Советининг ҳозирги сессияси алоҳида сиёсий аҳамиятга молик масалаларни кўриб чиқмоқда, деб таъкидлади ўз нутқида Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Д. И. Патиашвили.** Биз жамиятимизнинг, Совет давлатчилигининг, умуман социализмнинг келажагини белгилаб берувчи масъулиятли қарорларни қабул қилишимиз керак.

Жамиятни демократик усуллар билан бошқариш авторитар усуллар билан бошқаришга қараганда беқиёс мураккаброқ эканига биз ўз тажрибамизда ишонч ҳосил қилдик, деди нотиқ. Аммо демократиялаш-ижтимоий муҳитни соғломлаштиришнинг, шахснинг социал соҳада масъулиятли қарорлар қабул қилишдан ўчишини бартараф этишнинг бирдан-бир йўлидир. Мамлакатда халқнинг ўз хоҳиш-иродасини тўлатўкис изҳор этиш учун энг кўп даражада қулай шарт-шароитлар яратилганлиги муайян даражада бир-бирига қарама-қарши фикрларга олиб келмаслиги мумкин эмас эди. Аммо бунда жамиятнинг соғлом кучлари яна ҳам маҳкамроқ жипслашиб, бирлашмоқдаларки, Грузия Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси буни тасдиқлади. Сессияда чинакам интернационализм руҳи тантана қилди.

Биз ҳаммамиз бирга — қудратли давлатимиз, ягона мақсад билан бирлашган миллатлар ва халқларнинг ноёб бирлигидирмиз, деб уқтирди сўнгра нотиқ. Бу эса ҳар бир республиканинг кучигакуч қўшмоқда. Аммо бюрократик централизмни, бюрократик аппарат зўравонлигини бартараф этмас эканмиз, жамиятнинг янги модели сари ҳаракат қила олмаймиз. Жамиятнинг ғайрати сунъий равишда ўрнатилган ғовларни енгиб ўтишга беҳуда сарфланаётганлигини оқлаб бўладими, ахир?

Миллатлараро соҳага дахлдор бўлган ва аввало суверенитетга тааллуқли ҳар қандай қарорларни қабул қилиш чоғида алоҳида эҳтиёткорлик ва хушёрлик талаб этилади, чунки авж олиб кетган ҳисҳаяжон ва эҳтиросларни тўхтатиш қийин бўлади.

Сессия муҳокамасига тақдим этилган Қонун лойиҳалари жамиятимизнинг сиёсий системасини такомиллаштиришда биринчи босқични белгилайди, деди пировардида нотиқ.

Халқ депутатлари Ленинград область Совети ижроия комитетининг раиси депутат **Н. И. Попов** Қонунларнинг лойиҳалари шаҳар ва областда кенг муҳокама қилинганлигини, ленинградликларнинг мутлақ кўпчилиги уларни қўллаб-қувватлаганлигини маълум қилди.

Бу ҳужжатлар Октябрь қадриятлари тиклганлигидан далолат бермоқда. Бу қадриятлар иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, социал вазифаларни ҳал этиш, совет кишиларининг сиёсий активлигини ошириш учун ишончли ҳуқуқий восита бўлиб қолиши керак. Нотиқ лойиҳаларни муҳокама этиш чоғида киритилган баъзи конкрет таклифларга тўхталди. Масалан, ленинградликлар давлат ҳокимияти олий органларини тузишда сайлов системаси ислоҳотининг ҳамда жамоат ташкилотлари ролининг муҳимлигини таъкидладилар. Жамоат ташкилотларидан номзодларни кўрсатиш тартиби ҳақида ҳам, улар учун овоз бериш тартиби тўғрисида ҳам фикрлар ҳар хил бўлишига қарамай, демократиялаш даврида шундай ташкилотларнинг вакиллиги зарур эканлиги шак-шубҳасиздир.

Болтиқбўйи республикаларидан олинаётган хабарлар ҳозир ҳаммамизни ташвишга солмоқда, деди депутат. Ана шу республикаларда авж олиб кетган мунозараларнинг доирасидан чиқмаган ва шошма-шошарлик билан амалий ишларда, жумладан Эстония ССР Олий Совети СССРнинг амалдаги Конституцияси қоидаларига зид ҳужжатларни қабул қилишида ўз ифодасини топмаганида эди, бу мунозаралар давр руҳига мос келган бўлур эди. Буларнинг ҳаммаси миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмайди ва пировард натижада қайта қуриш ғояларига путур етказади.

Муҳокамага тақдим этилган ҳужжатларнинг аҳамияти ғоят каттадир, деди Қозоғистон ССРнинг Шарқий Қозоғистон областидаги «Калжирский» совхози директори депутат **Т. А. Жумаканов.** XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган бу ҳужжатлар социалистик демократияни янада ривожлантиришга қаратилгандир.

Шарқий Қозоғистон области меҳнаткашлари Қонунларнинг лойиҳаларини зўр қизиқиш билан кутиб олиб, уларни партиянинг қайта қуриш жараёнини чуқурлаштиришга, сиёсий системани ислоҳ қилиш вазифаларини рўёбга чиқаришга қаратилган йўлининг изчиллик билан амалга оширилиши деб билмоқдалар. Мазкур ҳужжатларни муҳокама қилиш чинакам ошкоралик муҳитида ўтди.

Нотиқ лойиҳаларнинг СССР халқ депутатлари съезди тўғрисидаги, СССР Олий Совети Раиси лавозимини таъсис этиш, Конституцион назорат комитетини тузиш, Советларнинг президиумларини ташкил этиш, сайлов системасини демократиялаш тўғрисидаги бўлимларини область меҳнаткашлари маъқуллаётганликларини қайд этиб ўтди. Қонунларнинг мана шу ва бошқа янги қоидалари сиёсий соҳадаги ўзгартишларнинг муқаррарлигича бизни ғоят ишонтирмоқда ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг резолюциялари рўёбга чиқарилаётганлигининг конкрет намунаси бўлмоқда. Депутат СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасида иқтисодий ҳамда социал ривожланиш планларини тузиш чоғида сайловчилар наказларининг ролини акс эттириш зарур, деган фикрни билдирди.

Нотиқ Эстония ССР Олий Совети ўз республикаси Конституциясига киритган тузатишларга Қозоғистон меҳнаткашлари номидан ташвиш билдирди. Бу тузатишлар СССРнинг амалдаги Конституцияси нормаларига хилоф, СССРнинг қонунчилик соҳасидаги тузилиши ва бирлигининг энг асосий принципларига, кўп миллатли давлатнинг иқтисодий негизига путур етказади деб ҳисоблаймиз, деди у.

Муҳокама этилаётган Қонунларнинг СССР Олий Совети томонидан қабул қилиниши социалистик демократияни янада ривожлантиришга ва ҳуқуқий давлатнинг қарор топишига кўмаклашади, мамлакатимизнинг олға томон анча ҳаракат қилиб боришига ёрдам беради, деб таъкидлади КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари депутат **Р. Х. Хабибуллин.**

Нотиқ ўз нутқида миллатлараро муносабатлар муаммоларига алоҳида эътибор берди. Эстония ССР Олий Советининг 16 ноябрдаги қарорлари Бошқирдистон меҳнаткашларини жуда ташвишга солди, деди у. СССР Конституциясининг энг асосий бандлари ревизия қилинди. Ваҳолонки, СССР Конституцияси совет давлатининг метиндек мустаҳкамловчи асоси, ҳар бир иттифоқдош республиканинг манфаатларини яхлит қилиб бирлаштирувчи негиздир. Кўп миллатли республикаларнинг намояндалари бўлмиш ҳеч биримиз қудратли федерациямизни заиф конфедерацияга айлантириш фикрига қўшилмаймиз. СССР Асосий қонунининг қоидаларига хилоф бўлган қадамларни қўйишга ҳеч кимга йўл берилмайди.

Ҳозирги тарихий паллада партия белгилаган вазифаларни амалга ошириш учун мамлакатдаги барча сиёсий ва ижтимоий кучларни батамом жипслаштириш зарур. Қайта қуриш вазифаларини фақат барча миллатлар вакилларининг кучларини мустаҳкам жипслаштириш ва бирлаштириш асосидагина ҳал этиш мумкин.

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси сифатида, деди нотиқ, мен Эстония ССРнинг навбатдан ташқари сессиясида қабул қилинган қонунларини СССР Конституциясига зид бўлган қонунлар, деб бекор қилиш тўғрисидаги фармони учун ҳеч иккиланмай овоз бердим. Ана шу қонунлар эстон халқининг ва СССРдаги барча халқларнинг манфаатларига хилоф тарзда қабул қилинган.

Депутат бир қанча масалаларни ўртага қўйдики, уларнинг ҳал этилиши мамлакат турли территорияларини социал-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишда мамлакат барча миллатлари ва элатларининг манфаатларини тўлиқроқ эътиборга олишга ёрдам беради. Жумладан, у пландан ташқари маҳсулотнинг ҳаммасидан идоралар манфаатларини кўзлаб эмас, балки регионларнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланиш кераклигини таклиф қилди.

Магадан область халқ депутатлари Чукотка округ Совети ижроия комитетининг раиси депутат **Н. П. Отке** сессия муҳокамасига тақдим этилган қонун лойиҳаларини маъқуллаб, СССР халқ депутатлари съездига автоном округдан вакиллик нормасини икки депутатдан иборат қилиб белгилашни таклиф этди. Унинг фикрича, сиёсий системани ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичларида автоном округларининг республикалар халқ депутатлари юқори Советлари ҳамда иттифоқ давлат органлари билан ўзаро муносабатларини қонун актларида аниқроқ акс эттириш керак. Шу муносабат билан сайловчилар СССР Юстиция министрлиги, РСФСР Министрлар Совети манфаатдор министрликлар ва идоралар билан, маҳаллий Советлар ва илмий ташкилотлар билан биргаликда автоном округларнинг ҳуқуқий статусини янада ривожлантириш, интеграция жараёнлари кучайганлигини, шунингдек автоном округларнинг экономика, социал-маданий ривожланиш ва бошқариш соҳасидаги мустақиллиги ҳамда масъулияти оширилишини эътиборга олиб, ўлкалар, областлар, автоном округларнинг ҳуқуқ доираларини бирмунча аниқроқ белгилаб қўйиш билан боғлиқ масалаларни чуқур ишлаб чиқишлари зарур, деб ҳисобламоқдалар.

Нотиқнинг фикрича, автоном округларни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари тегишли ўлкалар ҳамда областларни иқтисодий ва социал ривожлантириш беш йиллик планлари тасдиқланиши билан бир вақтда алоҳида сатр билан тасдиқланиши керак. Бунда автоном округларнинг ишлаб чиқарувчи кучлари билан социал соҳасини ривожлантириш ҳамда жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашнинг барча босқичларида уларни муҳокама этиш ва келишиб олишда автоном округлар халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари албатта иштирок этишларини назарда тутиш лозим.

Агар менинг сайлов округимда барометр қўйилса, у бўронни кўрсатган бўлур эди, деди Запорожье титанмагний комбинати печь ишчиси депутат **В. Д. Жиловский.** СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси барча меҳнаткашларни ғоят қизиқтирди. Бу муҳокамани илгари биз ўрганиб қолган осойишта якдиллик муҳитига таққослаб бўладими ахир?

Мамлакатнинг сиёсий системасини имкони борича тезроқ қайта қуриш керак, деб таъкидлади депутат. Сусткашлик ва ҳадеб муҳокама қилаверишлар оғир оқибатларга олиб бориши мумкин. Халқнинг сиёсий жиҳатдан уйғониши, унинг ошиб бораётган активлиги депутатлардан ишга яқичча ёндашишни талаб қилади. Сўз билан ишнинг бирлиги ҳозирги энг муҳим нарсадир. Нотиқ қабул этилган қарорлар бажарилмай қолаётган бир қанча мисолларни айтиб берди. У янги ҳужжатда халқ сайлаб қўйган кишиларнинг тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқинигина эмас, шу билан бирга муддатлар бузилганлиги ёки депутатнинг ҳуқуқига менсимай қаралганлиги учун мазкур органлар ва шахсларнинг жавобгарлигини ҳам кўзда тутишни таклиф қилди.

Депутат Эстония ССР Олий Совети қабул этган тузатиш аслида кўпмиллатли Ватан бирлигининг энг асосий принципларига путур етказишини уқтириб, қайта қуриш бузғунчиликни эмас, балки бунёдкорликни назарда тутишини таъкидлади. У мамлакатнинг барча меҳнаткашларига мурожаат этиб, инсониятнинг буюк ғалабаси — интернационализмни мустаҳкамлашга чақирди.

ВЦСПС секретари депутат **К. Турисов** мамлакат касаба союз ташкилотларининг қонун лойиҳаларига оид таклиф ва мулоҳазаларини шарҳлаб берди. Жойлардан тушаётган таклифларда деб таъкидлади у, бундан буёнги ўзгаришларнинг муқаррарлиги, маъмурий-буйруқбозлик усулларига, сиёсий лоқайдликка ва гражданларнинг пассивлигига тезроқ чек қўйиш зарурлиги тўғрисидаги фикр аниқ-равшан кўринди турибди. Бу вазифаларни сиёсий системани ислоҳ қилиш ёрдамидагина ҳал этиш мумкин. ВЦСПСнинг фикрича, сессияда муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳалари шу мақсадга мос бўлиб тушади.

Депутат Псков областига яқинда қилган командировкасидан олган ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Ишчилар синфи билан учрашув ва суҳбатлар, азалий рус диёри — Псковдаги ишларнинг аҳволи билан танишув депутат ва граждан сифатида менинг зиммамга шу минбардан туриб қуйидагиларни айтиш мажбуриятини юклайди. Бизнинг ягона кўп миллатли давлатимиз тенг ҳуқуқли республикалар Иттифоқи — совет халқининг буюк ғалабасидир, бизнинг фахримиздир. Аммо мана шу ягона оилада Россия алоҳида роль ўйнайди. Айни Россия, унинг ишчилар синфи Октябрдан кейин ўзи зарар кўрса ҳам, собиқ чор чекка ўлкаларини оёққа турғизди. Сўнгги урушда жуда катта талофотлар берган рус халқи биринчи галда мамлакатнинг ғарбий регионларини қайта тиклаш тўғрисида ғамхўрлик қилди. Бу ишда ҳам ўзи зарар кўрган ҳолда иш тутди. Шу боисдан ҳам ҳозир тарихнинг мана шу сабоқларини йўққа чиқаришга уринаётган, бизнинг суверенитетимиз қандайдир камситилаяпти, кимдир ва қаердадир бизнинг ҳисобимизга кун кўрмоқда, деб шама қилаётган кишиларга шундай демоқчиман: келинглар, ўртоқлар, ақлидрок овозига қулоқ солайлик, бу масалаларда беғиҳоя масъулиятли бўлайлик!

СССР Театр арбоблари союзи правлениесининг раиси депутат **К. Ю. Лавров** ўз сўзида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларини қабул этишни таклиф қилди. СССР қонунларининг лойиҳалари демократия ва ошкоралик муҳитида муҳокама қилинди, деб таъкидлади у.

Қайта қуриш жамиятни социал лоқайдликдан уйғотди, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Шу боисдан ҳам ҳозир қайта қуриш йўлининг тантанаси учун жипслашиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Бир қанча регионларда вужудга келган чигал вазиятни бартараф этиш учун жамиятимизнинг кучи-қуввати етарли. Бу муаммоларни ҳал этишга беҳуда жазава ва эҳтиросларга берилмай, янгича тафаккур позицияларида туриб ёндашмоқ керак. Омманинг сиёсий активлиги ҳар қачонгидан юқори. Биз демократияни ўрганяпмиз, аммо хатолардан сабоқ чиқариб ҳам ўрганиш лозим.

Сўнгра депутат СССР Қонунлари лойиҳаларининг баъзи қоидаларига тўхталиб, уларга бир қанча ўзгартиш ва қўшимчаларни таклиф қилди. Қонунлар ҳаёт синовидан ўтади, деб уқтирди у. Олий Совет депутатлари ҳам мамлакатнинг олий ҳокимият органида халқ вакиллари бўлишдан иборат ўз ролини активроқ бажаришлари муҳимдир.

Аммо, нотиқнинг фикрича, ҳамиша ҳам шундай бўлмаётир. Ушбу залда деди у, депутатларга мурожаат қилиб, ҳар бир ўринга эшитиш учун қулоққа тутиладиган радио ўрнатилган. Бироқ, гапириш учун микрофонлар йўқ. Янада мустаҳкамроқ муқобил алоқа керак. Фикрларнинг социалистик хилма-хиллиги — демократиялаш жараёнини чуқурлаштиришнинг асосий шартларидан биридир.

* * *

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси 30 ноябрь куни Катта Кремль саройида ўз ишини давом эттирди. Эрталаб соат 10 да Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг учинчи қўшма мажлиси бошланди. Мажлисда **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов** қатнашмоқдалар.

Депутатлар давлат қурилиши соҳасида сиёсий ислоҳот тўғрисида тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилмоқдалар.

Раислик қилувчи СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси **А. Э. Восс** КПСС Якутия область комитетининг биринчи секретари депутат **Ю. Н. Прокопьевга** сўз беради.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш шуни кўрсатмоқдаки, барча совет кишиларининг ҳаётига дахлдор ғоят муҳим масалаларни интернационалистиқ онг, кўп миллатли давлатимизни мустаҳкамлаш позицияларида туриб ҳал этишни ўрганиш керак, деб уқтирди у. Шу муносабат билан нотиқ Эстония ССР Олий Совети навбатдан ташқари сессияси қарорларининг айрим бандларидан ташвиш билдирди, мана шу бандлар мамлакат халқлари бирлиги принципларига ва СССР Конституциясига мутлақо зиддир. Мамлакат сиёсий системасини такомиллаштириш йўлларини излашда совет кишиларини, халқларни ва республикаларини алоҳидалаштиришга ҳаракат қилмай, балки уларни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан жипслаштиришга интилиш керак.

Депутат шуни таъкидладики, Россия Федерацияси тарихий хусусиятлари туфайлигина эмас, шу билан бирга сиёсат ва экономикадаги ўзининг етакчи мавқеи, аҳолисининг сони жиҳатидан ҳам барча иттифоқдош республикалар орасида алоҳида мавқени эгаллайди. Россия федерациясида юздан зиёд миллат ва элат яшамоқда. Шу муносабат билан, нотиқнинг фикрича, уларнинг манфаатларини тўлиқроқ ҳисобга олиш учун автоном тузилмаларнинг СССР Олий Совети Миллатлар Советидаги вакиллигидан ташқари РСФСР Олий Советида икки палатани — Федератив Совет ва Миллатлар Советини тузиш тўғрисида ўйлаб кўриш керак бўлур эди. Автоном республикаларга маъмурий-территориал тузилиш масалаларини ҳал этишда реал мустақиллик бериш тўғрисидаги таклиф ҳам айтилди.

Давлат қурилиши соҳасидаги сиёсий ислоҳот мамлакатимиз ижтимоий турмуши ва социал соҳасида қайта қуриш ва ошкоралик ва ижтимоий адолат ва ҳуқуқий давлат принципларини ҳаётимизнинг барча соҳаларига тадбиқ этиш, ҳокимиятнинг ҳамма тармоқларини ислоҳ қил

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАН

(Давоми. Бошн иккинчи бетда).

Областимиз меҳнаткашлари Қонун лойиҳаларини жамиятимизни янада демократиялашнинг кафолоти, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг ҳуқуқий давлат бунёд этиш йўлининг тасдиғи, деб билдилар, деди Белоруссия ССР Гродно областидаги «Прогресс» колхози раиси депутат **А. И. Дубко.** Унинг фикрича, мазкур ҳужжатлардаги энг муҳим фикр —Советлар, жумладан, қишлоқ Советлари ролини оширишдир. Агар Советлар иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмас экан, уларнинг ҳокимияти ҳам ҳақиқатда тўла бўлмайди. Хўжалик ходимлари ҳузурига илтижо билан бормаслик учун бу вазифани дарҳол ҳал этиш керак. Шу муносабат билан нотиқ, хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципларини жорий этиш муаммоларига тўхталди. Қишлоқдаги ишлаб чиқариш муносабатларининг янги формалари бу соҳадаги Қонунларни ҳам такомиллаштиришни талаб этади.

Депутат давлат ҳокимиятининг олий органида кооператив ташкилотлардан вакоператив нормаси кўпайтирилиши лозим ва бунда колхозларга етакчи ўрин берилиши керак, деб таъкидлади.

Нотиқ, миллатлараро муносабатлар масалаларига тўхталиб, Белоруссия — Иттифоқнинг ажралмас қисмидир ва республиканинг муваффақиятлари мамлакатимиздаги барча халқларнинг қардошларча ёрдами билан боғлиқдир, деб таъкидлади. Колхоз раиси ўз хўжалиги мисолида Литвадаги «Кибиркштис» колхози билан доимий дўстликнинг амалдаги самаралари ҳақида сўзлаб берди. Биз анчадан буён шу хўжалик меҳнаткашлари билан мусобақалашиб келмоқдамиз. Бир-биримизга уруғлик ва озуқа билан ёрдам бермоқдамиз. Ҳамма соҳада бир-биримизга мададкормиз, деди у. Совет Иттифоқи ҳаммамизнинг умумий хонадонимиз эканлигини ҳамиша ёдда тутиш керак ва бугун кўпмиллатли Ватанимиздаги барча халқларнинг қайта қуришни қўллаб-қувватлашини таъминлаш ҳаётий муҳимдир.

СССР Конституциясига тузатишлар халқнинг сохта ҳокимиятига эмас, чинакам ҳокимиятига эришишга қаратилгандир, деди Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **С. А. Ниёзов.** Республика меҳнаткашлари буни тушуниб олдилар ва ҳис этмоқдалар. Сессия муҳокамасига тақдим этилган ҳужжатларни муҳокама қилиш чоғида орттирилган тажрибадан биз Туркманистон ССР Конституциясига киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳамда республикадаги сайлов Қонунлари лойиҳаларини тайёрлашда ижобий фойдаланамиз.

Нотиқ, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотнинг бир-бири билан боғлиқлиги равшандир, деб таъкидлади. Шулардан бирини иккинчисидан ажратиб кўйиб ҳал этиш мумкин эмас. Шу муносабат билан у республика учун жуда муҳим бўлган Қорақум канали муаммосига тўхталди, мазкур канал кўп йиллар мобайнида туркман халқининг қаҳрамонлиги, меҳнатсеварлиги ва ташаббусининг рамзи бўлиб келди. Ҳозир эса Оролни қутқариш учун уни ёпиб қўйиш керак, деган чақириқлар эшитилмоқда, деб таъкидлади депутат. Ҳа, Оролни қутқариш керак. Аммо канални ёпиб қўйиш республиканинг иқтисодий ва маънавий имкониятларига зид тарзда Туркманистонни янада ҳам каттароқ турғунликка маҳкум қилиш бўлур эди. Бу имкониятлар каттадир. Аммо айни вақтда Умуминиттифоқ меҳнат тақсимотида ўз ролини ҳушёрлик билан англаб олиши керак. Нотиқнинг фикрича, республика территориясида етиштирилган пахта, жун ва пилланинг кўп қисми Туркманистондан ташқарида қайта ишланади, бундан республиканинг молиявий аҳволи яхшиланаётгани йўқ. Пландан ташқари маҳсулотнинг лоақал бир қисмини пировард қайта ишлаш масаласини республика мустақил ҳал қила олмайди. Бунинг учун Иттифоқ министрликлари ва идораларининг қарорлари зарур. Социалистик хўжалик юритиш методларига ҳаракатчанлик ва ўзгарувчанлик бахш этиш фурсати келди.

Республикамиз меҳнаткашлари қонунларнинг миллий муносабатларга дахлдор моддаларини ниҳоятда қизиқиш билан муҳокама қилдилар, деб таъкидлади Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **Г. М. Восканян.** Бу ишни янги даражага кўтариш, социалистик интернационализм, мустақиллик ва масъулият, ўзаро ёрдам ва қардошлик принциплари негизида барча миллатлар ва элатлар манфаатларининг чиналкамига уйғунлашувига эришиш лозим бўлади.

Нотиқнинг фикрича Конституциянинг ана шу қисмида ўзгаришлар бўлиши зарур. У регионда узоқ вақтдан бери давом этаётган кризисни қисман амалдаги қонунчиликнинг номукаммаллиги билан ҳам изоҳлади. Нотиқ қонунлар лойиҳалари муҳокамасининг айрим жиҳатлари тўғрисида батафсил тўхталди, ана шу муҳокама чоғида республика меҳнаткашлари бир қанча амалий қўшимчалар ва аниқликлар киритдилар.

Депутат ўз нутқининг бир қисмини Тоғли Қорабоғ атрофида вужудга келган ва жўн бўлмаган вазият сабабларини таҳлил этишга бағишлади, ана шу муаммони ҳал этиш йўллари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини айтди. Республика раҳбарлари, деди у, аҳволни барқарорлаштириш учун барча ишларни қилмоқдалар. Аммо, республикада вазият кескин бўлиб туришидан манфаатдор бўлган муаян кучларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли ҳамиша ҳам бунга муваффақ бўлинмаяпти, деди нотиқ.

Партиямиз ҳуқуқий давлатни бунёд этиш ўз мақсади эканлигини эслон қилди, деди сўнгра Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси. Янги қонунлар — шундай бир негизки, бир йилгагина мўлжалланмаган янгиланиш программаси ана шу негизга асосланади. Депутатлар комиссиялари киритган тузатишларни ҳисобга олганимизда, қабул қилинаётган ҳужжатлар давлатимизнинг қайта қуриш уйғотган эртанги куни тўғрисидаги фикрлар, мунозаралар ва баҳсларнинг қудратли тўлқинини тўлароқ акс эттиради.

Ўтган йиллардан фарқли равишда қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилиш эндиликда ниҳоятда астойдил ва кўп жиҳатдан ноанъанавий бўлмоқда, деб таъкидлади КПСС Владимир область комитетининг биринчи секретари депутат **Р. С. Бобовиков.** Айни вақтда областимизда турли фикрлар айтилди, деди у, аммо Қонун лойиҳаларининг умумий йўналиши халқ депутатлари область, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советларининг сессияларида, меҳнат коллективлари, ва жамоатчилик ташкилотларининг йиғилишларида маъқулланди. Меҳнаткашлар ана шу ҳужжатлар Советларнинг ваколатлари ва имкониятларини тубдан кенгайтиришини, бу ҳужжатларнинг қабул қилиниши социалистик ҳуқуқий давлат бунёд этиш, жамиятимизни янада демократиялаш йўлида катта қадам бўлишини таъкидладилар.

Халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг принципиал қоидаларидан бири — давлат ҳокимиятининг олий органига жамоатчилик ташкилотлари вакилларини киритиш тўғрисидаги масаладир. Нотиқнинг фикрича, бу қайта қуришнинг янги босқичидаги вазифаларни жадалроқ ҳал этишга имкон беради.

Миллатлараро муносабатлар муаммоларига тўхталиб, нотиқ бизнинг мамлакатимиз —ягона халқ хўжалик комплексидир, деб таъкидлади. Озарбайжон ва Арманистондаги иш ташлашлар мамлакатнинг турли регионларидаги корхоналар ишига дарҳол таъсир этмоқда. Шу боисдан ҳам миллатчилик тусидаги экстремистлар ташкил этаётган жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар, ана шу экстремистларнинг халқларни яккалаб қўйишга, мамлакатдаги аҳволни беқарорлаштиришга уринишлари ҳақли тарзда қораланмоқда. Эстониядаги воқеаларга тўхталиб, нотиқ шу республика Олий Совети Президиуми қабул қилган актлар СССР Конституцияси қоидаларидан принципиал чекинишдир, деб уқтирди. Сўзда қайта қуришни маъқуллаб, амалда эса аслида унга қарши чиқаётганларга эргашмаслик керак.

Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларини Ўзбекистон халқи қўллаб-қувватлади, деди Тошкент областидаги Ангрен шаҳар қурилиш бошқармасининг бўёқчиси депутат **Х. А. Абдураҳмонова.** Булар ҳаётий зарур ҳужжатлардир. Сайлов кампаниясини демократиялаш, СССР халқ депутатлари съездларини чақириш имконияти, СССР Олий Советининг янги функциялари, конституцион назорат комитетининг ташкил этилиши ва бошқа моддалар қизғин қўллаб-қувватланди. Шу билан бир қаторда нотиқ лойиҳалар муҳокама қилинаётган вақтда илгари сурилган таклифларга эътиборни қаратди. Сайловчиларнинг фикрича, деди у, сайловнинг территориал ва ишлаб чиқариш принципларини мусталкам равишда бирга қўшиб олиб бориш лозим. Гап шундаки, номзодлар асосан ишлаб чиқариш принципига кўра кўрсатилади, овоз бериш эса иқтисомат жойларида бўлади. Натижада кўпчилик сайловчилар депутатликка номзод билан таниш бўлмай қоладилар, у билан мустаҳкам алоқа боғлай олмайдилар. Номзодлар кўрсатишда кўпроқ территория принципига амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сайловчиларнинг ҳар бир депутатликка номзод ўзининг бўлажак фаолияти хусусида программани илгари суриши лозим, деб айтган истакларини ҳам мустаҳкамлаб қўйиш лозим. Сайловчиларнинг наказлари ана шу программанинг таркибий қисми бўлиши керак. Агар наказлар бажарилмай қолгудек бўлса, меҳнат коллективлари депутатни муддатидан илгари чақириб олиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйишлари мумкин.

— Совет халқларининг бузилмас дўстлигига асосланган демократия, қайта қуриш, Ватанимизнинг куч-қудрати учун овоз бераман. — Оренбург область Совети ижроия комитетининг раиси депутат **А. Г. Костенюк** муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳаларига ўз муносабатини шу тарзда ифодалади.

Нотиқ ўз нутқининг кўп қисмини Советлар барча бўғинларининг таркиб топиши ва фаолиятининг долзарб муаммоларига бағишлади. Ҳар бир Совет амалда тўла ҳокимиятга эга бўлиши ва тенг ҳуқуқли бўлиши учун, депутатнинг фикрича, Советнинг таъсирига, депутатларнинг ҳуқуқларига кафолат берадиган принципиал янги механизм зарур. Нотиқ депутатлар корпусини таркиб топтиришга тааллуқли бир қанча конкрет таклифлар айтди. Сиёсий ислоҳот шароитида бу муаммо алоҳида аҳамият касб этади. Шунга асосланиб, нотиқ муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳаларига бир қанча қўшимчалар ва таклифлар киритди.

Социалистик ҳуқуқий давлатда ҳуқуқлар ва масъулият системаларига тааллуқли бир қанча масалалар кўриб чиқилди. Депутат гражданлар ва коллективларнинг давлат олдидаги масъулияти давлатнинг улар олдидаги масъулиятига тенг бўлиши керак, деб таъкидлади. Ҳуқуқий давлатни бунёд этиш — қайта қуришнинг ажралмас қисмидир.

Депутатнинг фикрича, сайлов механизмидаги, Советлар ишидаги кўп нарсаларни қайта кўриб чиқиш зарур. Жумладан, унинг фикрича, СССР Олий Совети мажлиси бўлаётган залда қўл кўтариб овоз бериш электроника асрида йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Электроникани жорий этиш, деди нотиқ, мураккаб иш эмас. Аммо худди ана шу тадбир мамлакат ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича овоз беришнинг ҳақиқатан ҳам яширин тарзда тез ўтишини таъминлайди.

* * *

Музокараларда 37 киши сўзга чиқди. Сессия кун тартибидаги биринчи масала муҳокамасини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Раислик қилувчи сессияда сўзга чиқа олмаган, аммо муҳокама этилаётган масала бўйича таклифлари ва мулоҳазалари бўлган депутатлар бу таклиф ва мулоҳазаларни сессия президиумига топширишлари мумкинлигини хабар қилди.

Давлат қурилиши соҳасида сиёсий ислоҳот ўтказиш тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётганида бир қанча таклифлар ва мулоҳазалар киритилди. Депутатлар СССР Олий Совети Президиумига ва палаталарнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларига ана шу таклифлар ва мулоҳазаларни кўриб чиқишни ҳамда бунинг натижалари тўғрисида палаталарнинг навбатдаги қўшма мажлисида ҳисоб беришни топширдилар.

Кечқурун депутатлар тайёргарлик комиссияси ва палаталарнинг Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларининг мажлислари бўлди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг навбатдаги қўшма мажлиси 1 декабрь куни бўлади.

(ТАСС).

Суратда: Москвада бўлиб ўтаётган XI чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари XII сессияси қатнашчилари— Самарқанд областидан тикувчи А. Ниёзова, Қорақалпоғистон АССРдан тракторчи Д. Турғонбоев, минсклик ишчи Е. Шуляк ҳамда воркуталик проходкачи Н. Рожков ўртоқлар.

ТАСС — ЎзТАГ фотохроникаси.

Депутат Р. Н. НИШОНОВ нутқи

(МАРҒИЛОН САЙЛОВ ОКРУГИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР).

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Совет Ўзбекистони ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг СССР Олий Советидаги барча вакиллари фикрича, бугун биз муҳокама қилаётган ҳужжатлар КПСС XXVII съезди ва XIX партия конференцияси ишлаб чиққан йўлни акс эттиради. Умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатлари сайлови ҳақидаги Қонун лойиҳалари партиямизнинг сиёсий системада чуқур ўзгартишларни амалга ошириш тўғрисида халққа берган ваъдасига содиқлигини тасдиқлайди. Қонунларнинг лойиҳалари бутун давлатимиз миқёсида, шунингдек унинг таркибий қисмлари бўлмиш кўп миллатли республикаларда ҳам ижтимоий-сиёсий турмушни демократиялаш учун янги йўллар очади.

Ўзбекистон меҳнат коллективларининг йиғилишларида, партия ташкилотларида ва матбуотда Қонунларнинг лойиҳаларига жуда кўп таклиф ва қўшимчалар айтилди. Уларнинг моҳияти, аввало, КПССнинг қайта қуришнинг таркибий қисми бўлмиш сиёсий системани ислоҳ қилиш йўли принципиал қўллаб-қувватланаётганлигидан иборатдир. Шу билан бирга бир талай турли мулоҳазалар, қизғин баҳслар ва мунозаралар бўлди. Кўпинча бир масаланинг ўзи хусусида бир-бирига мутлақо қарама-қарши нуқтаи назарлар айтилди. Кўпдан-кўп тузатиш ва қўшимчалар таклиф этилди. Бу таклифларнинг ҳаммаси умумлаштирилиб, СССР Олий Совети Президиумига топширилди. Эътиборга олинган тузатишлар ҳам, сиёсий ислоҳотнинг кейинги босқичида кўриб чиқиладиган тузатишлар ҳам бор.

Қонунларнинг лойиҳалари амалда ёппасига маъқулланиб турган бир пайтда баъзи гаплар, тўғрисини айтганда, бемаъниликдан иборат бўлаяпти. Айтайлик, Конституцияга умуман бирон-бир тузатиш киритилиши мақсадга мувофиқми ёки йўқми деган масала, баъзи жойларда сиёсий системани ислоҳ қилишга тайёргарлик жараёнида пухта ўйламай шошма-пошма қўйилган қадамлар шу жумлага киради.

Барча иттифоқдош республикалар тенг ҳуқуқли эканига асосланадиган бўлсак, масалан, айрим иттифоқдош республикаларга — ҳатто уларнинг олий давлат органларига Умуминиттифоқ актларининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини бериш талабларини ўртага қўйиш тўғри бўлармикан? Бундай ёндашув шароитида бошқа иттифоқдош республикаларнинг ва умуман иттифоқнинг манфаатларига путур етади. Шовқин суронли маҳаллий нафсониятга ҳаяжонли жазава таъсирида «муҳожир», «бегона», «номатлуб квартирант» каби ва бошқа шунга ўхшаш инсоннинг қадр-қимматини таҳқирлайдиган иборалар пайдо бўлишига тоқат қилиб бўладими ахир, ўртоқлар? Менимча биз Ватанимизнинг, Иттифоқимизнинг мустаҳкамлиги ҳақида гап борганда ғоят ҳушёр бўлишимиз, алоҳида ёндашув ва давлат донишмандлиги кўрсатишимиз, совет халқларининг интернационал жипслигини заифлаштириш ва пароканда қилишга, ССР Иттифоқининг Конституцион қонун-қоидаларини бажармасликка қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат социализм ишига, қайта қуриш ишига, жамиятимизни революцион янгилаш ишига ўнгланмас зарба уриши мумкинлигини аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Бизнинг тушунчамизча, сиёсий системани демократиялаш давлатчиликни шундай бир ҳолатга келтирадики, унда Совет миллий сиёсатининг ҳамма шакллари миллатларнинг ҳам умумий, ҳам ўзига хос манфаатларини амалда акс эттиради ва қатъиян ҳимоя қилади; миллатларнинг социал, тил ва маданий муаммолари тўла-тўкис ҳал этилиши уларнинг барча погоналардаги партия, совет органлари ва бошқа органлардаги одилона вакиллигини, жойларда, айниқса маориф, муомала, халқ ижоди соҳаларида ҳам туб миллатларнинг, ҳам бошқа миллатларнинг вакиллари талаб-эҳтиёжларини изчиллик билан эътиборга олишни, шунингдек миллий маданият масканларини барпо этишни, оммавий ахборот воситаларидан барча совет кишилари, қаерда яшашларидан қатъи назар, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланишни таъминлайди.

Бизнинг республикамиз — кўп миллатли республикадир. Бу билан биз фахрланамиз ҳамда иттифоқимизни, қардошлик муносабатларимизни ва мустаҳкам ҳамкорлигимизни хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ҳамма ишларни қила берамиз. Кўпдан кўп миллатлар, элатлар ва гуруҳларнинг биргаликда яшаши, уларнинг турмуши ва меҳнат фаолияти, маданиятларнинг, анъаналарнинг, ғайрат шижоатнинг ўзаро таъсири ва бир-биридан баҳраманд бўлиши регионимизнинг социал-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тўла ривожланиши учун жуда самарали шарт-шароитларни яратади.

Миллат ривожининг яккаланган, алоҳидалашган йўли, тор миллий манфаатлар доирасига ўралашиб қолиниши ҳеч қачон тарихий истиқболга эга бўлган эмас ва эга бўлмайди деган маълум фикрни такрорлашни истардим. Бу нарса пировард натижада миллатнинг айнишига олиб келади. Жаҳон цивилизациясининг тажрибаси шундан далолат беради.

Регионал хўжалик ҳисоби тўғрисида ҳозир кенг миқёсда муҳокама қилинаётган масалага ўз муносабатимни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Бу ғоя замирида оқилона негиз ва муайян истиқбол борлигини инкор этиб бўлмайди. Районлар, областлар ва республикаларнинг хўжалик ҳамда иқтисодий мустақиллиги бутун халқ хўжалик комплексини янги, янада юқори поғонага олиб чиқиши керак. Айни вақтда бу масала бир қарашда жўн туюлса, ончалик осон эмас, шу сабабли уни пухта ўйлаб, вазминлик билан ҳал этиш, ҳар бир конкрет ҳолатда маҳаллий манфаатларгагина эмас, шу билан бирга муштарак манфаатларимизга асосланиб иш тутмоқ лозим.

Ўз регионининг тўла хўжалик ва иқтисодий мустақиллигига эришиш муддаоси мутлақо тушунарли. Бироқ вужудга келган реалликни эътиборга олмай, социалистик интеграция принципларига зид бўлган усуллардан фойдаланиб шундай қилишга уринишлар, таъбир жоиз бўлса, ўз оёғига болта уришга уринишлар кишини ажаблантиради.

Бизнинг республикамизда оғир турғунлик ўтмишини бартараф этишдан иборат қийин, мураккаб жараён давом этмоқда. Бу жараённинг мураккаблиги социал-иқтисодий ва сиёсий структураларни қайта қуриш ва кўп жиҳатдан янги структураларни барпо этиб, уларнинг самарали амал қилишига ундашдангина иборат эмас.

Бизда туб бурилиш рўй берди деб айта олмайман. Асло бундай эмас. Бироқ кўп нарса ўзгарди. Ижтимоий онг жўшқин фаолланишиб бормоқда, иқтисодий фаолиятнинг янги усуллари — хўжалик ҳисоби, ижара пудрати кенг ёйилмоқда ва жорий этилмоқда. Кооператив ҳаракат тез суръатлар билан ривожланмоқда, хўжалик-иқтисодий ўзаро муносабатларининг янги шакллари ва турлари қидириб топилмоқда.

Пахтачилик хўжалигимизда ҳам умидбахш ўзгаришлар бор. Бутифосни ишлатмай дурустгина ҳосил йиғиштириб олинди. Бу йилги пахта териш плани шаҳарликлар имкони борича камроқ жалб этилиб, асосан машиналар кучи билан бажарилди. Кўп йиллар мобайнида биринчи марта 5 миллион 350 минг тонналик пахта ҳосили (бу эса планда белгиланганидан 100 минг тонна кўп) осойишта вазиятда, беҳуда жазавага берилмай, иқтисодий, маънавий ва асабий зиён кўрмай териб олинди. Пахтакорларимиз бу билан фахрланадилар. Бироқ «Огонёк» журнали пахтакорни «пахта қули» деб атаб, уларни ҳақорат қилди. Пахтакорлар ҳеч қачон қул бўлган эмаслар ва бўлмайдилар ҳам. «Огонёк» («Аланга») эса бурқсиш ва заҳарли тутун билан оғу сочиш ўрнига ловуллаб ёниши ва ўз ҳарорати билан одамлар дилини иситиши, уларни қайта қуриш йўлида меҳнат жасоратларига руҳлантириши керак. **(Қарсаклар).**

Гапимнинг охирида яна шуни айтмоқчиман, ўртоқлар. Демократиялашни ва ошкораликни ривожлантириш бошқа республикалар каби бизнинг республикамизда ҳам ижтимоий ташаббусни жўш урдирди, фикрлар ва қарашлар хилма-хиллигини намоён этиш учун шароит яратди. Одамлар ижтимоий актив-лигини ошириш жараёнининг ўзи, ғоялар, позициялар ва концепцияларнинг тўқнашуви қайта қуриш нуқтаи назаридан қонуниятли ва табиий бир ҳолдир. Бироқ шитобли ҳаракатимиз мантиқи, янгиланиш қоидалари фикрлар хилма-хиллигининг ҳар қандай намоёни, ўз фикрларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, норасмий оқимлар ёки гуруҳлар платформалари ва программаларининг вужудга келиши бузғунчилик характерида бўлмай, балки бунёдкорлик характерида бўлишини, кучларни парчалашга эмас, балки умумий Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг равнақи йўлида жипслаштиришга кўмаклашадиган бўлишини талаб қилади.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, сиёсий системада таклиф этилаётган ўзгартишлар, уни демократиялашмарказда ҳам, жойларда ҳам Советларнинг янги сифатга эга бўлиши, уларга тўла ҳокимият бериш йўлида навбатдаги босқич бўлиб қолади. СССР халқлари ўзларининг бутун бой тарихи давомида шундай ҳокимият берилишига интилиб келдилар.

СССР Олий Советининг Ўзбекистондан ва Қорақалпоғистондан сайланган депутатлари Михаил Сергеевич Горбачев докладидаги фикрларни ҳамда СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, СССР халқ депутатлари сайлови ҳақидаги Қонунларнинг лойиҳаларини уларга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар билан бирга қўллаб-қувватлайдилар. **(Қарсаклар).**

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг куни кеча очилган навбатдан ташқари сессияси XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларига мувофиқ давлат системасини қайта қуриш соҳасидаги ишни кенг миқёсда авж олдиришнинг муқаддимасидир. 29 ноябрь куни Москвада бўлиб ўтган матбуот конференциясида шу фикр тасдиқлаб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев совет ва чет эл журналистлари ҳузурида сўзга чиқиб СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда халқ депутатлари сайлови ҳақидаги қонун лойиҳаларининг қабул этилиши-давлат органларини қайта қуришнинг биринчи босқичи эканлигини уқтириб ўтди. Бу босқичда асосан давлат ҳокимияти олий органларининг структураси ва уларга сайлов ўтказиш масалалари ҳал этилишини айтди.

У КПСС Марказий Комитети Пленумининг ишини таърифлаб, Пленумда энг ўткир замонавий муаммоларни ошкора қизғин муҳокама қилиш муҳити ҳукм сурганини таъкидлади. Партиянинг ўз фаолияти масалалари диққат марказида бўлди. Партия фикрлар хилма-хиллиги, ошкоралик, демократия шароитларида ишлашнинг янги шакларига тайёр бўлган таҳдирдагина у қайта қуришга бошчилик қилиши мумкинлиги уқтириб ўтилди.

Қайта қуришни янада чуқурлаштириш ҳамда уни консерватив кучлардан ва тенденциялардан, шунингдек масъулиятсиз экстремизм ва сафсатабозликдан ҳимоя қилиш — ҳозирги бош вазифадир, деб таъкидлади В. А. Медведев. Закавказьеда — Озарбайжон ва Арманистонда, деб таъкидлади у, вазият кескинлашганлигидан жуда ташвишланиб гапирилди, у ердаги вазиятни нормал изга солиб аниқ мақсадни кўзлаб ишлаш зарурлиги айтилди.

Пленумнинг «Давлат қурилиши соҳасида сиёсий ислоҳот ўтказиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори бир овоздан қабул қилинди, деди нотиқ.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов сессия иш бошлаганлиги тўғрисида гапириб, мамлакат Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатлари сайлови ҳақидаги Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси якунларига тўхталди.

Шу муҳокаманинг ўзи ҳам мисли кўрилмаган иш бўлди, деб уқтирди у. Атиги беш ҳафта мобайнида СССР Олий Совети Президиумига Қонун лойиҳалари тўғрисида 302 мингта фикр-мулоҳаза тушди. Жуда хилма-хил таклифлар, шу жумладан салмоқли таклифлар ҳам, умуман тузатишга салбий баҳо берилган таклифлар ҳам киритилди. Чунончи, тахминан 7,5 мингта фикр-мулоҳаза-да салбий фикр билдирилди. Бироқ нотиқнинг фикрича, сиёсий системада ўзгаришлар қилиш зарурлиги ёппасига тушунилганлиги киритилган таклифларнинг асосий мазмуни бўлди.

Янги сайланган СССР Олий Советининг биринчи мажлисига тақдим этиладиган тайёрланаётган Қонун лойиҳалари ҳақида гапиранда А. И. Лукьянов касаба союзлари тўғрисидаги, ёшлар ҳақидаги, матбуот, давлат органларининг ишидаги ошкоралик ҳақидаги, жиноят қонунларининг асослари, пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунлар ва бошқа қонунлар борлигини айтди.

У журналистнинг саволига жавоб қайтарар экан, сайлов қонунидаги асосий ўзгаришлар номзодлар кўрсатиш жараёнини янада демократиялашга қаратилганини айтди. Халқ депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг келгусидаги ўз фаолияти программасини баён этиб беришини кўзда тутадиган таклифларга аниқлик киритилди, чунки сайловолди кураши номзодлар программаларининг мусобақаси бўлиши, шубҳасиз. Гражданларнинг жамоат ташкилотлари мусобақалаша олишинигина эмас, шунингдек уларнинг вакиллигини ҳам таъминлаш зарурлиги тўғрисидаги кўпдан-кўп таклифлари қабул этилди.

Мухбирнинг В. А. Медведевнинг Латвияга қилган сафаридан кейинги таассуротлари тўғрисидаги саволига жавобан у кейинги ойларда бу республикада жамоат ҳаракатлари ғоят жонланганини, зиёлилар, ёшлар ва умуман жамиятнинг активлиги ошганлигини айтди. Бу ҳол демократиялаш ва ошкораликдан иборат умумий вазият билан боғлиқлиги, шубҳасиз. Одамларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги ошиб бориши барча ҳолатларда ишга фойда етказса, буни фақат табриклаш мумкин. Бироқ республика тараққиётидаги умумий ижобий жараёнлар билан бирга носоғлом кайфиятлар ҳам намоён бўлди. Аммо мен республикадаги вазиятнинг ривожланиши бундан буёнги истиқболларига умид билан қарайман, деб таъкидлади В. А. Медведев.

(ТАСС).

Ўзбекистонда яшаётган корейслар учун маданият маркази тузилмоқда

Корейс жамоатчилиги вакилларининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида совет корейслари республика маданият марказини тузиш бўйича ташкилот комитети тузилди.

Йиғилиш қатнашчилари қабул қилган мурожаатномада совет корейслари Узоқ Шарқдан Ўрта Осиё ва Қозоғистонга кўчирилганидан бери ярим аср ўтганлиги айтилади. Сиёсий жиҳатдан асосланмаган бундай ишончсизлик катта авлод тақдирига жуда оғир таъсир қилди. Бироқ кўчиб келганларга нисбатан ўзбек халқи ва бошқа халқлар ғамхўрлик қилганлиги ва уларнинг дардига шерик бўлганлиги, бундай ғамхўрлик ва ҳамдардлик ҳали ҳам давом этаётганлигининг яхши намуналари корейслар хотирасида бир умрга сақланиб қолади. Корейслар Ўрта Осиё республикалари катта интернационал оиласининг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлиб қолдилар, фаолиятнинг турли соҳаларида катта муваффақиятларга эришдилар.

Лекин шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида миллий сиёсатда намоён бўлган волюнтаризм корейс тили, маданияти ва турмуши аҳволига таъсир қилмай қололмади. Қайта қуриш шабадаси бугунги кунда ҳар қандай миллат вакилларига етилган масалаларни тўғридан-тўғри қўйиш, уларни ҳал этиш йўлларини биргаликда излаш имкониятини беради. Совет корейслари ўз миллий маданияти ўчоғини барпо этишга илк бор киришмоқдалар. Бу эса XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг миллатлараро муносабатлар юзасидан қабул қилган қарорлари руҳига тўла мос келади. Улар маданият маркази ташкил этишга киришган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистон партия ва совет органларининг, жамоатчилигининг фаол қўллаб-қувватлаётганлигини ва бу ишга хайрихоҳлик билан қараётганлигини ҳис этмоқдалар.

Йиғилиш қатнашчилари барча совет корейсларини маданият марказини тузишда ва унинг фаолиятида бевосита қатнашишга чақирдилар.

Фалсафа фанлари доктори, профессор С. М. Хан ташкилот комитетининг раиси, журналист В. Ким ва инженер Т. Хван раис ўринбосарлари қилиб сайландилар.

(ЎзТАГ).

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 28 ноябрь Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 307 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади.

(ЎзТАГ).

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни ўзбек тилида чоп этди.

Жаҳон адабиёти дурдоналари. Инжулар уммони. 400 бет. Баҳоси 1 сўм 90 тийин.

Жаҳон шеърияти хазинасига муносиб гавҳарлар қўша олган, инсониятга Фирдавсий, Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Низомий, Хисрав Деҳлавий, Навоий каби шеърият даҳоларини етказиб берган форсий тилдаги адабиёт Ўрта Осиё ва Эрон, Ҳиндистон ва Закавказье халқлари фарзандлари томонидан яратилган. Халқлар ҳамкорлигида яратилган бу адабиёт ўзининг гуманистик ғоялари, халқчиллиги, латофат ва сўнмас таровати билан жаҳонни забт этади.

Иброҳим Юсупов. Қоратол. Шеърлар ва достонлар. 128 бет. Баҳоси 75 тийин.

Таниқли халқ шоирининг номи китобхонларга таниш. Унинг бир қанча шеърий китоби ўзбек тилида илгари чоп этилган эди. Бу китобига унинг кейинги йилларда яратган энг яхши асарларидан — «Посейдоннинг ғазаби» билан «Булбул уяси» достонлари киритилган.

Тўлқин. Суянч. Шеърлар. 144 бет. Баҳоси 70 тийин.

Китобга шоирнинг илгари нашр этилган китобларидан танлаб олинган шеърлари, сўнгги йиллар ижоди намуналари жамланган.

Эркин Аъзамов. Байрамдан бошқа қунлар. Қисса ва ҳикоялар. 272 бет. Баҳоси 1 сўм.

Китобдаги асарларда байрамлар ҳақида, байрамни кутиб олиш ва ҳаёт тўғрисида сўз боради.

Касаба союзлари: ишчи назорати ҳаракатда

ЯШИРИБ ҚЎЙИШГАНИ НИМАСИ?

ВЦСПСнинг «Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳаси корхоналари ҳамда ташкилотларининг иши устидан касаба союзларининг ишчи назоратини кучайтиришга оид энг зарур тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети қошида тузилган 15 кишидан иборат ишчи назорати группаси иш олиб бормоқда. Группа аҳолига савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида текшириш ишларини амалга оширмоқда, меҳнаткашлардан келаётган шу соҳага оид шикоят ва хатлар билан ишлаяпти ҳамда ана шу масалаларда касаба союзлари область Советлари ишига амалий ёрдам кўрсатаётир. Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети қошида, шунингдек ишчи комиссиялари фаолиятини кенг ёритиш, ошкораликни таъминлаш мақсадида матбуот марказ ҳам ташкил этилди. Жойлардан ишчи комиссиялари ўтказаётган текширишлар ҳақида маълумотлар келмоқда. Биз қуйида ана шу маълумотлардан баъзиларини эътиборингизга хавола этамиз.

ТОШКЕНТ. Ишчи назорати комиссияси аъзолари текшириш ўтказиб, Киров район озиқ-овқат савдосига қарашли 66-магазинда кўп миқдорда нархи 2 сўм 80 тийинли колбаса, 41 тийинли олий нав ун, 750 килограмм гўшт савдога чиқарилмай яшириб қўйилганини аниқладилар. Магазин директори А. Камолов уларни қайси ташкилотларга сотиш учун олиб қўйилгани ҳақида аниқ ҳеч нарса айта олмади. Магазинга келтирилган ва савдога чиқарилган гўшт маҳсулотлари ҳисоби чалкаштириб юборилган. Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бошқармаси маҳсулотларни тақсимлашдаги чалкашликларни изчил ҳал этмаяпти.

* * *

Ишчи оператив группаси аъзоларидан М. Сайфуддинов, Т. Файзиев Тўйтепа шаҳар озиқ-овқат савдосига қарашли 15-магазинда (директори Ҳайдарова) текшириш мақсадида харид қилинган «Чародейка» конфетини қайта тортишганида харидор ҳақидан 27 тийин уриб қолингани маълум бўлди. Яна улар 16 та дудланган колбаса, 40 қути новвот, кўплаб миқдорда экстра чойи, биринчи нав ун, мармелад конфети омборхонага яшириб қўйилганини ҳам аниқладилар. Комиссия аъзолари танқис озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш учун савдога чиқаришди.

Тўйтепа шаҳридаги 1-магазинда ҳам ана шундай нуқсонлар содир бўляпти. Бу ерда касса аппарати ишламайди. Кўпгина маҳсулотларнинг нархлари ёзилмаган. Борларида эса жавобгар шахснинг имзоси йўқ. Ишчи комиссияси омборхона биносида яшириб қўйилган анчагина кир ювиш порошокларини, совун, 2 қути бразилия кофеси, 20 килограмм 95-кўк чой, тўрт пештахтасига қадоқланган сарёғ ва шакар қўйилмаган. Рейд аъзолари «Ширин» номли 14-магазинда (мудири Ш. Раҳимов) ҳам шундай воқеа устидан чиқишди.

Шаҳар озиқ-овқат савдоси базасида текшириш ўтказилганида эса 370 килограмм зайтун ёғи, 504 банка консерва, 114 банка горбуша балиғи консерваси, 1231 килограмм олий навли экстра қора чой ва бошқа бир қанча танқис маҳсулотлар узоқ вақтдан бери база омборларида савдога чиқарилмай, сақлаб қўйилгани маълум бўлди. Шаҳар озиқ-овқат савдоси директори И. Бозоровнинг эътироф этишича, бу маҳсулотлар «фавқулодда зарур бўлган пайтдагина» сотишга чиқарилар эмиш.

ҚАШҚАДАРЁ. Ўзбекистон қасаба союзлари республика Совети контрол-тафтиш бўлими инструктори К. Солиҳов касаба союзлари область Совети ишчи назорати группаси билан шаҳар савдо корхоналарида рейд ўтказди. Унда кўп маҳсулотлар яшириб сотилаётгани маълум бўлди. Жумладан «Дилором» номли 41-магазин (мудири М. Нормуродов) қоп оқ қанд, кўп миқдорда биринчи сортли гуруч топишди. Электр токи йўқлиги сабабли 8 яшик маргарин сақланаётган холодильник ишламаяпти.

АНДИЖОН. Ленинск шаҳридаги 31-магазинда сотувчи Р. Мўминжонов 50 килограммли бир қоп унни 13 сўм ўрнига 14 сўмдан сотди. Қолган 60 қоп унни ҳам шу нархда пулламоқчи эди, бироқ ишчи комиссияси унинг бу қилмишларига чек қўйди. Касаба союзлари область Советининг Ж. Нуриддинов бошчилик қилаётган оператив группаси аъзолари ўтказган текширишда магазинда содир бўлаётган ана шундай воқеалар фош этилди. Текшириш материаллари чора кўриш учун савдо бошқармасига юборилди.

* * *

Касаба союзлари область Советининг оператив группаси шаҳарнинг бир қанча савдо шохобчаларида текшириш ўтказиб, 137-магазин (мудири М. Усмонова) омбори ва ёрдамчи биносида кўплаб тақчил озиқ-овқат маҳсулотлари яшириб қўйилганини аниқладилар. Жумладан, бу ердан 780 қути 95-кўк чой, 46 банка Бразилия кофеси, анчагина салат-пахта ёғи топиб олинди. Бу маҳсулотлар шу куниёқ савдога чиқарилди. Текширишда магазин ходимлари яшириб қўйиш билан чекланмай, торозидан ҳам уриб қолаётгани маълум бўлди. Масалан, икки килограмм қилиб қадоқланган майда макарон тортиб кўрилганда, ҳар бир қоғоз халта 50—70 грамм кам тош босди.

75-магазин (мудири А. Ёдгоров) омбори ва ёрдамчи биносидан кўздан пана қилиб яширилган 60 шиша салат-пахта ёғи, 29 банка димланган чўчқа гўшти, 300 блок «Опал» сигарети, шу йилнинг март ойида олинган ва яроқсиз ҳолга келган беш килограмм «Гулливер» конфети топиб олинди. Икки килограммдан қилиб солинган гуруч ва ун халталари тортиб кўрилганда ҳар бир халтадан 50 граммдан кам чиқди. 137-магазин Андижон ун комбинатидан 3 тонна қадоқланган олий навли ун, 75-магазин эса 860 килограмм гуруч ва 2 тонна ун олган эди. Ҳар бир қоғоз халтадан 50 граммдан кам чиққанида харидор ҳақидан неча-неча килограмм ун ва гуруч уриб қолингани кишини ташвишлантиради, албатта.

Шу билан мақолага нуқта қўйилса бўларди. Лекин асосий гапни яна бир бор эслатиб ўтиш жоиз: қайта қуришни ҳар ким ўзидан бошлаши керак. Чамаси, маҳолада тилга олинган савдо нуқталарининг ходимлари бугунги кун талаби, ҳар бир онгли инсон амалга ошириши лозим бўлган вазифаларни ҳали етарлича тушуниб олишмаганга ўхшайдилар. Ўйлаймизки, уларнинг бундай ноқонуний ва меҳнаткашлар ҳақига кўз олайтиришдек ноҳуш ҳаракатлари бошқаларга ҳам аччиқ сабоқ бўлади.

Г. САТТОРОВА,
Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети қошидаги матбуот маркази мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

БОЛАЛАРНИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ ҚИЛДИРИНГ!

Госстрах 1 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларнинг ота-оналарига, фарзандликка олувчиларга, васийларга ва уларнинг бошқа қариндошларига страхованиенинг янги турини — БОЛАЛАРНИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШНИ тавсия этади.

Бундай шартнома 1000 сўм суммасида 1 йил муддатга тузилади. Страхование бадали унча қиммат эмас ва у боланинг ёши билан боғлиқ ҳолда қуйидагича бўлади:

боланинг ёши 1 ёшдан 7 ёшгача бўлса — 2 сўм;
7 ёшдан 12 ёшгача — 2 сўм 60 тийин;
12 ёшдан 16 ёшгача — 3 сўм.

Страхование суммаси ёки унинг бир қисми бола тасодифан ўткир заҳарланганда, куйиб қолганда, совуқ урганда, электр токидан шикастланганда, тишлари тушиб кетганда, жумладан сут тишлари ҳам (агар улар ўрнида кейинчалик доимий тишлар чиқмаса), лат ейишда, оёқ, қўли ёки бошқа органлар чиқиб кетганда, суяк синганда ва бошқа ҳолларда тўланади.

Агар жароҳатланиш асорат қолдирмаса-ю, узоқ вақт даволанишга тўғри келса — 15 кундан 30 кунгача узлуксиз даволанганда 20 сўм, 30 кундан ортиқ даволанганда эса 30 сўм тўланади.

Страхование бадалини иш жойингиздаги бухгалтерия орқали пул ўтказиш йўли билан ёки страхование агентига нақд пул билан тўлаш мумкин.

Страхованиенинг бу тури тўғрисидаги тўлиқ маълумотни районингиздаги Госстрах инспекциясидан ёки ташкилотингизга хизмат кўрсатувчи страхование агентидан билиб олишингиз мумкин.

Ўзбекистон ССР Давлат страхованиеси Бош бошқармаси (телефон: 33-33-27).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

Бу галги съездимизда республикамизнинг 200 дан ортиқ делегати билан бирга Иттифоқчи республикаларнинг ҳам таниқли олимлари иштирок этаётир. Анжуманда Москва, Ленинград, Киев, Олмаота, Боку ва бошқа шаҳарлардан ташриф буюрган таниқли фтизиатрларнинг сўзга чиқиши мўлжалланмоқда. Улар ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар ва шу билан бирга ҳал этилиши лозим бўлган муҳим муаммолар хусусида фикр алмашадилар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, инқилобдан аввал республикамизда халқ соғлиғини муҳофаза қилишга етарли эътибор берилмаган. Аҳоли табиб ва дуохонларнинг ёрдамидагина даволанар, кўпгина оилалар турли касалликлардан азоб чекишарди. 1920 йилда Тошкентда илк бор ташкил этилган силга қарши диспансерда атиги 4 медицина ходими ишлаган. Ўзбекистон ССР ташкил этилгач, бу соҳага ҳам эътибор кучайди. Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда сил билан оғриган беморларни даволаш учун диспансер ва стационарлар ишлай бошлади.

1932 йилда эса республикамизда силга қарши илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Унда бу хасталикка қарши кураш чораларини кўриш билан бирга малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Кейинчалик эса Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент ва Андижон медицина институти, Ўрта Осиё педиатрия институтларида ҳам шу соҳага оид кафедралар ташкил этилди. Бугунги кунда бу борада 8 кафедра ишлаб турибди.

Кейинги 10 йил ичида фтизиатр хизматида кескин муваффақият рўй берди: силга қарши муассасалар тармоғи кенгайди ва мустаҳкамланди, улар замонавий қурилмалар, асбоб-анжомлар билан бойитилди, кадрлар билан мустаҳкамланди. Бугунги кунда республикамизда силга қарши 251 муассаса, шу жумладан 102 диспансер, 61 бўлим, 40 кабинет, 14 касалхона ва 33

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ФТИЗИАТРЛАРИНИНГ III СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

санаторий ишлаб турибди. Бундан ташқари 53 та ихтисослашган боғча-ясли ва 14 та махсус мактаб-интернатда силнинг очиқ формаси билан хасталанган болалар шифо топмоқдалар.

Бироқ бу касалликка қарши кескин кураш олиб борилаётганига қарамай, айрим қишлоқ районларида сил билан дард чекаётганлар сони камайганча йўқ. Бунга қишлоқ жойларида пахтакорлар меҳнатининг оғирлиги, заҳарли дориларни кенг қўллаш борасидаги экологиянинг ўзгариши асосий сабаб бўлаётир. Илмий-тадқиқот институтимиз даволаш-профилактика муассасалари билан ҳамкорликда Тошкент областининг Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Сирдарё областининг Дўстлик, Бухоро областининг Ромитан районлари аҳолисини экспедиция кўригидан ўтказди. Тадқиқотларда қишлоқ районларида нафас олиш йўлларидаги сил касаллиги республика ўртача кўрсаткичидан 2—2,5 баравар кўп учраши аниқланди.

Кейинги йилларда республикамизда сил юқумли касаллигига қарши санитария-гигиена шароитларини яхшилаш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ қишлоқ районларида бу соҳадаги ишларимизда нуқсонларимиз ҳамон кўп. Қишлоқда истиқомат қилувчи 600 оилага, шу жумладан 300 нафар сил билан оғриган беморга анкета саволлари тарқатилганда касалликнинг асосий сабаби ҳаёт ва турмуш тарзи билан боғлиқлиги аниқланди. Бу касаллик билан оғриган кўпгина оилаларда бемор билан бирга болалар бир хонада яшамоқда. Кўпгина оилаларда идиш-товоқлардан биргаликда фойдаланилмоқда. Қишлоқдагиларнинг гўшт-сут, балиқ, тухум ва бошқа маҳсулот билан шаҳарликлардан 3—4 баравар кам таъминланаётганлиги ҳам аҳолининг соғлом турмуш кечиришига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Халқ моддий фаровонлигини яхшилаш, аҳоли маданиятини ўстириш, умумий медицина ва ихтисослаштирилган тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, силга қарши муассасаларда қўлга киритилган фан ютуқларини амалиётда қўллаш натижасида бу борадаги ўлим ва касалликни камайтиришга эришмоқдамиз. Республика фтизиатрлари силга қарши курашнинг янги босқичида самарали тадбирларни қўллайверадилар.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги академик Ш. Алимов номидаги фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институти директори, профессор.

Фарғона область Риштон районидаги марказий маданият уйи қошидаги «Ғулноз» ашула ва рақс ансамбли ўз репертуари ва ижрочилигига эга халқ ҳаваскорлик коллективидир. Унинг сафида турли касбдаги ёшлар иштирок этишади. Ансамблни меҳнат қизиған пайтларда колхоз ва совхозларнинг клубларида, дала шийпонларида мунтазам кўриш мумкин. «Ғулноз»нинг программасидан халқлар дўстлигига бағишланган куй ва қўшиқлар ҳам ўрин олган. Талантли хонандалар қардош халқларнинг севимли қўшиқларини ўша тилда бемалол ижро эта оладилар. Шу боисдан ҳам районда ҳаваскорлик коллективининг мухлислари кўп.

СУРАТДА: «Ғулноз» ашула ва рақс ансамбли навбатдаги концертга жўнаш олдидан.

У. ҚУШВОҚОВ фотоси.

• Спорт

ОҒИР АТЛЕТИКА:

СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР

Самарқандда ўтказилган СССР кубоги ва алоҳида машқлар бўйича мамлакат чемпионати мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Бир неча бор Иттифоқ ва республика миқёсида рекордлар ўрнатилди. Ашхободлик Олтимурод Ороздурдиев вазни 74,5 килограммгача бўлган полвонлар билан мусобақада иккикураш бўйича 362, 5 килограммли натижага эришиб, ўсмирлар ўртасида мамлакат рекордига ўзгартиш киритди. Республикамиз вакили Игорь Содиқов даст кўтаришда 187,5 килограммли натижага эришиб, республика рекордини 7,5 килограммга янгилаган ҳолда кумуш медалига эга бўлди. Вазни 100 килограммгача бўлган спортчилар қатори куч синашган бу спортчи иккикураш бўйича (415,5 кг) бронза медали соҳиби бўлди. Унинг командадоши Андрей Шмигов 110 килограмм вазнли полвонлар қатори майдонга чиқди. У жами 425 килограммли натижа билан чемпионатнинг кумуш медалига сазовор бўлди.

ЧИМ ХОККЕИ:

КУБОК — САМАРҚАНДДА

Ўзбекистон кубоги учун Андижонда ўтказилган мусобақада аёллар олти командаси қатнашди. Совриндорлик баҳсига пухта ҳозирлик кўрган самарқандлик хоккейчилар имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилишди. Улар учрашувларни қўтаринки руҳда ўтказиб, биронта ҳам очко йўқотмай бош совринни қўлга киритдилар. Тошкент ва Андижон командалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

ҲАР ТЎҒРИДА

САҲРОДА ДАРАХТ ҚОЛДИҚЛАРИ

Бир вақтлар Қизилқум саҳросида тол, ёнғоқ, сарв дарахти ўсгани маълум бўлди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институти экспедицияси томонидан топилган тошга айланган дарахт қолдиқлари шундан далолат беради. Олимлар тузган палеоботаник харита ёрдамида фақат узоқ ўтмишдаги ўсимлик оламининг эмас, балки ҳозирги кундаги, масалан, нефть, кўмир, ҳар хил тоғ жинсларининг вужудга келишини ҳам кўз олдига келтира олиш мумкин.

ШИФОБАХШ СУВ

Доғистон АССРнинг пойтахти — Махачқалъанинг қоқ марказида минерал сувли булоқ борлиги маълум бўлди. Чашмадай отилиб чиқаётган бу сувдан фойдаланиш учун бу ерга миллий услубда безатилган бино қурилди ва консультация кабинети очилди. Ёқимли таъмга эга бўлган шифобахш бу минерал сув «Тарнаир—175» деб номланди.

МУҲИМ УСУЛ

Ажойиб ўт ўчиргич ишлаб чиқилди. Кўмир, бензин каби ёнилғилар, юқори кучланишда тез алангаланувчи электр аппаратлари ва бошқа воситалардан ўт чиққанда ёнда олиб юриладиган, ҳаво оқимини сиқиб чиқарувчи махсус порошок ўт ўчириш вазифасини бажара олади. Порошок таркибидаги карбамид реакцияга киришиш жараёнида иссиқликнинг кўп миқдорини ўзига ютиб олади. Бу порошокни баъзи жойларда газ портлашини бартараф қилиш учун ҳам қўллаш мумкин.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

сиртқи бўлим студентлари эътиборига зачёт ва имтиҳонлар сессияси қуйидаги муддатларда бўлишини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

II курс учун — 5 декабрдан 16 декабргача,
III курс учун барча ихтисосликлар бўйича — 19 декабрдан 1989 йил 4 январгача.

●

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ВА ФОИДА ОЛИШ БОШҚАРМАСИ

ТУГАТИЛДИ.

Даъволар 12 декабргача қуйидаги адресда қабул қилинади: 700078, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй.

●

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва цирки артистлари иштирокида янги программа** (19.30).

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЮҚОРИ ҲАРОРАТЛАР ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон ССР Андижон шаҳридаги полигонда ишлаш учун

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ХОДИМЛАР, ИНЖЕНЕРЛАРНИ ВА КОНСТРУКТОРЛАРНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича: квант электроникаси ва электродинамика, электрофизика, оптика, радиотехника ва радиоэлектроника, физикавий гидродинамика ва иссиқлик алмашуви, иссиқлик физикаси, ноанъанавий ва янгиланадиган энергия манбалари, ҳисоблаш техникаси ва эксперименти автоматлаштириш, амалий математика ва программалаштириш;

полигон Фарғона водийсининг Кичик Олой тоғи этакларидаги манзарали ерга жойлашган.

Ходимларга полигон территориясида квартира берилади. Яшаш жойи, шу жумладан Тошкент шаҳрида бронлаштирилади. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан марказлаштирилган тарзда таъминланади.

СССР Фанлар академияси экспедициялари тўғрисидаги амал қилиб турган қондага мувофиқ, ойликка тегишли равишда оширилган ҳақ тўлаш ва устамалар кўзда тутилади.

Таклифлар билан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 710020, Андижон шаҳри, А-Я № 2. Телефон: 5-98-57.

●

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

қузги ва баҳорги ниҳол кўчатларини

СОТАДИ

Мевали кўчатлардан: УРИК, ШАФТОЛИ ОЛХЎРИ, ЁНҒОҚ, ОЛМА, НОК, БОДОМ;

манзарали кўчатлардан: АРЧА, БАГРЯННИК, ЧИНОР, ТЕРАК, ЛИГУСТРУМ **кабилар бор.**

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Наримонов шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 15-уй. Телефон: 90-35-55.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Бадиий коллективлари ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг дирижери Ф. Юнусовга онаси

Умри ЮНУСОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг Республика «Пищепром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Қибрай чанқовбосди ичимликлар комбинати коллективи комбинат директори Г. А. Одиловга онаси

Ойимсара СУЛТОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• Тингланг, томоша қилинг

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

МТ-I. 7.00 «120 — минут». 9.05 — Мультфильмлар. 9.35— «Серафима Глюкинанинг олдий куилари ва байрамлари». Бадиий фильм, 2-серия. 10.50 — Янгиликлар. 11.00 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Белоруссия телевидениесининг программаси. 17.20 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — Спорт ва шахс. 18.15 — Музикали хазина. 19.00 — Дунё воқеалари. 19.20 — Фидойи шахслар. 20.05 — Адабий-бадиий видеоканал. 21.30 — Время. 22.20 — Адабий-бадиий видеоканалнинг давоми. Танаффуеда — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Сиз яратган бог. 9.45 — Табиатшунослик. 10.05 — Испан тили. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Физика. 12.05 — Испан тили. 13.05 — «Юртдошлар». Бадиий фильм, 2-серия. 14.05 — Ҳужжатли фильм. 14.35 — Шаҳар таронаси. 15.15 — Янгиликлар. 15.25 — «Сабаб». Бадиий фильм, 1-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.00 — Хитой билан учрашув. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — СССР халқ артисти Д. Дашиев куйлайди. 21.30 — Время. 22.20 — «Юртдошлар». Бадиий фильм, 3-серия. 23.30 — Ҳужжатли фильм. 23.55 — Янгиликлар. 24.00 — Баскетбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи.

ЎзТВ-I. 16.00 — «Умр бир марта берилади». Бадиий фильм. 17.30 — ЎзССР тарихи. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Мультфильмлар. 18.30 — Сўз кетидан сўз келар. 18.50 — Объективда қайта қуриш. 19.20 — Ижод лаҳзалари. 19.40 — Илмий-оммабоп фильм. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Шеърият дафтаридан. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Тилга эътибор... 21.30 — Время. 22.20 — «Инқилоб тонги». Спектакль.

ЎзТВ-II. 19.20 — «Прерия». Бадиий фильм. 20.50 — Реклама. 21.00 — Ҳужжатли фильмлар. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.20 — ТВнинг матбуот маркази: ҳисобот ва сайловлар давом этмоқда. 22.50 — «Бағритошлик». Бадиий фильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг оммавий қўшиқлари. 9.30 — М. Насимов. «Дилбарим» Вокал сюита. 9.45 — Советлар ва қайта қуриш. 12.10 — Ишчинома. 12.30 — «Ёчилмаган муаммо». Ҳикоя. 13.00 — Малши. 13.30 — И. Резник шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.00 — Гидрометеорологлар учун эшиттириш. 15.40 — Жонажон табиат. 18.15 — Лаос миллий байрами — Республика деб эълон қилинган кунга. 18.30 — Ўзбекистон Композиторлар союзининг юбилей пленумида. 19.20 — Юность Ўзбекистана. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.10 — Элга хизмат — олий ҳиммат. 21.30 — Чорвадорлар учун концерт. 22.45 — И. Катаев куйлайди. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 10124. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. А. — 277. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12